БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 116 (11.865)

Шанба. 20 май, 1961 йил

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МУДДАТИДАН ОЛДИН

ҚОРАКЎЛ. (Телеграф орқали). «Октябрь» колхози пилла-чилари КПСС XXII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ажойиб ютуқни қўлга киритдилар. Барча пиллачилик звеноларида ипак қуртидан мўл пилла ҳосили олинди. Натижада колхоз 350 қути уруғнинг ҳар қутисидан давлатга салкам 70 килограммдан пилла топшириб, олинган социалистик мажбуриятни Бухоро областида биринчи бўлиб бажарди.

Колхозда пилла териб олиш ва топшириш давом этмоқда.

Байроқдор эстафетачилар

КПСС XXII съезди шарафига эълон қилинган рационализатор-лар ва ихтирочилар эстафетасида актив иштирок этаётган «Жанубий Оламушук» нефть кони рационализаторлари эстафета кигобига 200 га яқин таклиф ёздилар. Бу— ўтган йилнинг шу давригача киритилган таклифлардан 87 та кўпдир. Таклифларда асосан ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш, огир қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни автоматлаштириш ва механизациялаш каби масалалар кўтарилган.

Кон маъмурияти ва партия ташкилоти рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этишга катта аҳамият бермоқда. Ўтган йили 38 таклиф амалга оширилган эди. Бу йил эса ҳозирдаёқ 92 таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ж. РАҲИМОВ.

ҚЎЙТОШ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРИ

Қўйтош кони бойитиш фабрикаларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари орасида рационализаторлар кўп. 1961 йилнинг I кварталида 37 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада 16,5 минг сўмлик маблағ тежалди. В. Лузанов, Ф. Давликанов, В. Ляп, С. Тарасов каби инженер-техник ходимлар коннинг актив рационализаторларидир.

М. АЛИҚУЛОВ.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Республикамиз пахтакорлари, бу йил она-Ватанга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан меҳнат қилаётирлар. Жонажон Коммунистик партиямизнинг шонли XXII съездига қизғин тайёргарлик кўриш юзасидан мамлакатимизда кенг миқёсда авж олиб кетган социалистик мусобақанинг қудратли тўлқинлари бутун совет халқи каби пахта далаларимизнинг азамат меҳнаткашларини ҳам қамраб олди. Улар мусобақани тобора кучайтириб, пахта етиштиришни йил сайин кўпайтиришни ўзларининг буюк ватанпарварлик, интернационал бурчлари деб билмоқдалар.

Ҳозир пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун кураш энг қизғин ва масъулиятли даврга кирди. Ҳосилнинг тақдири, олинган юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилиши айни шу кунларда ҳал қилинади. Шу кеча-кундузда барча майдонлардаги ғўзалар ҳам культивация, ҳам чопиқ қилиниши, ҳам суғорилиб, озиқлантирилиши керак. Ғўза парваришида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишлар бир-бирига маҳкам боғлаб олиб борилган ва ўз вақтида сифатли ўтказилган тақдирдагина ўсимликнинг ривожланишидаги кечикишни тезроқ тугатиш, барча майдонларда ғўзалари бир текис ўстиришга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ғўза парваришида энг масъулиятли ва ҳал қилувчи давр бошланганлигини ҳисобга олиб, «Ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда республика колхоз ва совхозлари етти йилликнинг учинчи йилида чигитни асосий майдонларда қисқа муддатда ва юксак агротехника даражасида экиб олганликлари, кўпгина колхозлар ғўза парваришини ўз вақтида намунали ташкил этиб, ғўзанинг биринчи парваришини тамомлаётганликлари қайд қилинди, пахта далаларида қилинаётган ҳозирги ишчуқур таҳлил этиб берилди, ғўза парваришини бундан кейин кескин кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Қарорда кўрсатилишича, айрим хўжаликлар экинларини парвариш қилишни кечиктириб юборганлар, экишдан кейинги ишлар анча бўшашиб кетган. Бунинг оқибатида талайгина майдонлари ғўзанинг ривожланиши паст, узунаси ва кўндалангига культивация қилиш, яганалаш, озиқлантириш секин бормоқда. Трактор культиваторларининг учдан бир қисми қалчгача ишга туширилмаган. Кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари техникадан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар, ғўзанинг нормал ривожланиши учун шароит яратиб беролмаётир, ғўзани озиқлантиришда ўғит нормасига эътибор қилинмаётир.

Бухоро, Сурхондарё областларининг баъзи хўжаликларида ғўза чаноқаб қолаётганига қарамай, суғориш сунъий равишда кечиктирилмоқда. Бу эса ҳосилга жиддий путур етказади. Тошкент, Фарғона ва Хоразм областларида ҳали ҳамма майдонларда чигит бир текис ундириб олинмаган, кўпгина далаларда ғўзани ёввойи ўт босиб кетган. Айрим раҳбарлар ғўза парваришини биринчи ёввойи ўт босиб кетган. Айрим раҳбарлар ғўза парваришини биринчи [illegible] ва совхозларнинг раҳбарларидан ғўза парваришидаги қолоқликка хотима беришни ҳамда ғўза парвариши, суғориш ва озиқлантиришни агротехника тадабларига тўла риоя қилган ҳолда ташкил этишни талаб қилдилар. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси—Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида кўрсатилган тадбирлар асосида ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб юборишдан, мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги долзарб кунларда социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган пухта замин яратишдан иборатдир.

Ғўза туплари нормал қалинликда бўлиши, яъни ҳар қайси ернинг шароитига қараб, ҳар гектарда кўчатларнинг белгиланган миқдорда бўлиши ва ғўзаларнинг ҳар участкада тўғри ва бир текис жойлаштирилиши кўсакларнинг барвақт етилиб, пахтадан мўл ҳосил олиниши учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли чигит экилган ҳар бир участкани ялпи текшириб чиқиш, ҳар қаторни метрма-метр кўздан кечириш, сийрак чиққан ерларга ва уяларга уруғ ташлаш ва кўчат қилиб ўтқазиш йўли билан ғўза туплари-нинг қалинлигини белгиланган миқдорга етказиш керак. Нам етарли бўлмаганидан чигитнинг униб чиқиши кечикаётган далаларга дарҳол чигит суви бериш лозим.

Ғўза қатор ораларини кўп марта ишлашга йўл қўймаслик учун ғўза парваришидаги ҳар бир циклни юқори сифатли ўтказишга жиддий эътибор бериш зарур. Агар ғўза қатор оралари кўп марта ишланадиган бўлса ўсимликнинг илдиз системаси зарарланади ва вильт касали кўп тарқалиб кетади, ғўза туплари сийраклашади, тўпроқ қуриб қолади, маҳсулот таннархи қимматлашади.

Яқинда ўз ишини тамомлаган Ўзбекистон хотин-қизлари иккинчи съездининг Мурожаатида айтилганидек, **меҳрибон она ўз фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиб, унинг ўсиб камол топиши учун керакли ҳамма шароитни вужудга келтирганлиги, уни бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт қилгани каби биз ҳам ғўзанинг ҳар бир тупини шундай авайлаб яхши парвариш қилишимиз керак, шундай қилинганда мўл ҳосил етиштирилиши таъминланади.**

Ғўзаларни тўғри ва барвақт озиқлантириш ҳозирги кунда унинг ривожланишини анча тезлаштирадиган жуда муҳим тадбирдир. Шунинг учун ҳар бир участка бўйича экинга ўғит солиш планини тузиб чиқиш, бунда экинга неча марта ўғит солинишини, ўғитларнинг турини ва олдин солинган ўғитни ҳамда вегетация даврида солиш учун қолдирилганини ҳисобга олиш керак.

Сувдан тўғри ва тежаб фойдаланиб, ғўзаларни табақалаштирилган ҳолда экиннинг талабига қараб қондириб суғориш — шу кеча-кундузда ғўза парваришидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари мунтазам равишда далада бўладиган ҳозирги пайтда уларга маданий-маиший хизматни янада кучайтириш, дала шийпонларини яхшилаб жиҳозлаб, оммавий-сиёсий ишларни кенг йўлга қўйиш, болалар богчалари ва яслилари ишини намунали ташкил этиш—меҳнат унумини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Энг муҳими шуки, раҳбар ходимлар ана шуни ҳисобга олиб, ишни қайтадан ташкил қилсинлар, колхоз ва совхозлардаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг мумкин қадар кўпроқ қисмини ғўза парваришидаги қолоқликни тезроқ тугатишга сафарбар этсинлар, мажлисбозлик ва раҳбарликнинг канцеляризмчилик бюрократчилик методларидан тамомила воз кечиб, жойларга тез-тез бориб турадиган бўлсинлар. партия ва ҳукумат қарорларини бажариш учун курашга оммани сафарбар этишдан иборат жонли ташкилий иш билан кучсайин шуғуллансинлар.



МОСКВА. 18 майда Катта Кремль саройида совет архитекторларининг учинчи Бутуниттифоқ съезди очилди. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси М. А. Суслов КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг съездга табригини ўқиб эшиттирди.

Н. Ситников ва В. Савостьянов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ УЧИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИГА

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети совет архитекторларининг учинчи Бутуниттифоқ съездини ва у орқали мамлакатимизнинг ҳамма архитекторларини қизғин табриклайдилар.

Совет халқи мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини амалга ошира бориб, қурилиш ишларини ғоят катта кўламларда авж олдириб юборди. Совет ерида қурилиш ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек жадал суръатлар билан, ҳозиргидек катта кўламда ва индустриал методларни кенг қўлланиб олиб борилмаган эди. Етти йилликнинг фақат дастлабки икки йилидагина икки мингдан ортиқ йирик саноат ва транспорт корхоналари ишга туширилди, шаҳарларда ва чўчи посёлкаларида жами 165 миллион квадратметрдан ортиқ майдонли 4 миллион 600 минг квартира қурилди.

Бу юғуқлар совет кишиларини қувонтирмоқда. Аммо, олдимизда янада масъулиятлироқ вазифалар турибди. Биз етти йил мобайнида етти мингдан ортиқ йирик саноат ва транспорт корхоналарини ишга туширишимиз, 15 миллион квартира қуришимиз, қишлоқда ғоят катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бажаришимиз керак.

Ҳозирги шароитда совет архитектурасининг роли ва аҳамияти беҳад ўсмоқда. Кейинги йилларда совет архитектураси жиддий суратда қайта қурилди. Архитекторларнинг фаолияти халқнинг энг зарур эҳтиёжларига, экономиканинг, қурилишни индустриаллаштириш ва типовой лойиҳалашни ривожлантириш талабларига кўпроқ жавоб берадиган бўлиб қолди. Барча бинокорлар билан бирга архитекторлар капитал қурилиш соҳасидаги ғоят катта планларни амалга оширишда актив катнашмоқдалар, шаҳарларни, посёлка ва қишлоқларни планлаштириш ва қуриш, саноат, уй-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуриш соҳасида давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишларни олиб бормоқдалар.

Шу билан бир вақтда архитектурамизни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Шаҳар қурилишининг прогрессив усуллари шаҳарларни планлаштириш ва қуриш практикасига суст жорий қилинмоқда. Кўп ҳолларда одамларнинг меҳнати ва турмуши учун етарли даражада қулай бўлмаган, ташқи кўринищи кўркам бўлмаган, техника жиҳатидан орқада қолган, қурилишда ва фойдаланишда тежамли бўлмаган биноларлар лойиҳаланади ва қурилади. Типовой лойиҳаларнинг сифати кўп ҳолларда замонавий талабларга мувофиқ бўлмайди. Баъзи архитекторларимизнинг ишида ҳали ҳам бўлса ўринсиз безатишларга интилиш борлиги сезилиб турибди.

Совет архитекторларининг энг муҳим бурчи — архитектураниг ҳамма соҳаларини коммунистик қурилишнинг янги вазифалари даражасига кўтаришдан иборат. Шаҳарларни планлаштириш ва қуриш масалаларига, совет шаҳар қурилишининг социал вазифаларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Архитекторлар уй-жой қурилиши ва маданий қурилиш планларини бажаришда, уй-жойлар етишмовчилигини тезроқ тугатишда, қишлоқ ва овулларни социалистик асосда қайта қуришда энг актив иштирок этишлари, типовой лойиҳалашнинг янада яхшиланишини ҳамда саноат, уй-жой ва жамоат биноларининг янги, янада мукаммал типлари ишлаб чиқилишини таъминлашлари лозим.

Барча совет архитекторлари замонавий қурилиш индустриясининг методлари ва воситаларини, конкрет экономика билимларини, юксак профессионал маҳоратни мукаммал эгаллаган чинакам қурувчи мемор бўлишлари, лойиҳалашда ва қурилишда ижодий процессларнинг моҳир ташкилотчилари бўлишлари зарур. Улар қурилиш сифатининг оширилишига актив таъсир кўрсатишлари, қурилишлар билан, уй қуриш комбинатлари билан, бинокорлик буюмлари ва материаллари ишлаб чиқарувчи заводлар билан маҳкам боғланган бўлишлари лозим.

СССР Архитекторлар союзининг фаолияти улуғ Ватанимизга муносиб бўлган архитектурани янада ривожлантиришга, олдимизда турган муҳим вазифаларни бажариш учун архитекторларнинг ижодий кучларини жипслаштиришга қаратилиши лозим. СССР Архитекторлар союзи архитекторларни халқ олдидаги юксак бурчи ва масъулиятини ҳис қилиш руҳида кун сайин тарбиялаши, союз аъзоларининг ғоявий ва ижодий жиҳатдан ўсишига кўпроқ эътибор бериши керак.

Совет архитекторлари ва бинокорлари коммунистик жамият кишилари яшайдиган ва меҳнат қиладиган шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқлар, фабрика ва заводлар, уй-жойлар ва жамоат биноларини барпо этишдек буюк шарафга муяссардирлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, совет архитекторлари мамлакатимизда коммунизм қуришнинг улуғвор планларини амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

АРХИТЕКТУРА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

18 майда Катта Кремль саройида очилган совет архитекторларининг учинчи Бутуниттифоқ съезди архитектура тараққиётининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилади. беш йил мобайнида тўпланган тажрибаларни умумлаштиради, яқин йиллардаги вазифаларни белгилаб беради.

Съездни энг кекса совет меморчиларидан бири, СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг фахрий аъзоси **А. И. Гегелло** очди.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларини сайладилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Президиуми гулдурос, давомли қарсаклар остида фахрий президиумга сайланади.

Съезд қуйидаги кун тартибини қабул қилади:

1. СССР Архитекторлар союзи правлениесининг ҳисобот доклади.

2. СССР Архитекторлар союзи ревизия комиссиясининг доклади.

3. СССР Архитекторлар союзи правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлаш.

Н. Г. Игнатов, А. Н. Косыгин, А. И. Микоян, Н. А. Мухитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, В. В. Гришин ўртоқлар ҳукумат ложаларига чиқаларида, ҳамма уларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. А. Сусловга** сўз берилганида, яна қарсаклар бошланади. Ўртоқ М. А. Суслов КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг совет архитекторларининг учинчи Бутуниттифоқ съездига табригномасини ўқиб беради. Делегатлар ва меҳмонлар табрикномани зўр эътибор билан тинглайдилар. Залда гулдурос, давомли қарсаклар остида фахрий президиумга сайланади. Ҳамма ўринлари туради.

Шундан кейин СССР Архитекторлар союзи правлениеси президиумининг аъзоси **А. В. Власов** доклад қилди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг съездимизга табрикномаси, деди А. В. Власов, ҳозиргина ўқиб берилди. Бу табрикнома архитекторларни янги ижодий меҳнатга, коммунизм қураётган улуғ совет халқига муносиб архитектурани вужудга келтириш учун курашга илҳомлантиради.

Шундан кейин, СССР Архитекторлар союзи ревизия комиссиясининг раиси И. Н. Магидин доклад қилди. У айтдики, кейинги беш йил ичида союз аъзолари сони 6.937 кишидан 8.692 кишигача кўпайди.

Докладлар юзасидан мудокараларда Ленинград бош архитектори В. А. Каменский, Белоруссия Госстрой раиси В. А. Король, Москва шаҳрининг бош архитектори М. В. Посохин, СССР Рассомлар союзи правлениесининг биринчи секретари С. В. Герасимов, 1-Мосстрой трести коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Г. И. Ламочкин ва бошқалар сўзга чиқдилар.

* * *

Совет архитекторларининг учинчи Бутуниттифоқ съезди 19 майда Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди.

Съезд делегатлари СССР архитекторлар союзи правлениеси ва ревизия комиссияси томонидан қилинган докладлар юзасидан музокараларда сўзга чиқиб, архитектурани ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқдалар. Шаҳар қурилиши проблемаларига айниқса кўп эътибор берилмоқда.

Эрталабки мажлисда Украина ССР архитекторлар союзи правлениесининг раиси **Г. В. Головко** ва Озарбайжон ССР архитекторлар союзи правлениесининг раиси **М. А. Ҳусейнов** биринчи бўлиб сўзга чиқдилар. (ТАСС).

Мамлакатда биринчи

БУХОРО, (ЎзТАГ). Газли-Когон саз қувури монтажчилари энг сўнгги — Когон участкасида магистраль қуришни бошладилар. Бу ерда Саратовдаги «Востокгипрогаз» институти ишлаб чиққан лойиҳага мувофиқ, газ қувурининг ўн километрли тармоғи мамлакатимизда биринчи «марта ҳаводан ўтказилади.

Лойиҳачилар Ўзбекистон жанубидаги кескин континентал иқлим шароитида ҳароратнинг ғоят ўзгариб туришини ҳисобга олиб, участка учун махсус кўчма темир-бетон тиргаклар тайёрладилар. Бу кўчма тиргаклар газ қувурининг деформация қилинишининг олдини олиш имконини беради.

«Ҳаво ранг ёнилғи»нинг ҳаво трассаси махсус изоляцияни талаб қилмайди ва фойдаланиш учун анча қулайдир.

40-50 миллион кубометр қўшимча сув

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Асрлар бўйи қақроқ ерларга сув чиқариш муаммоси фақат бизнинг замонамизда тўла-тўкис ҳал қилинмоқда. Катта Фарғона, Жанубий ва Шимолий Фарғона, Бешалаш, Ҳаҳонобод, Нурсув, Охунбобоев номли ҳамда Марказий Фарғона ерларида чиқарилган кўпгина каналлар минг-минг гектар майдонни суғормоқда. Ҳозир Сўх дарёси системасида Картан канали қурилмоқда. Канал шу йилдан бошлаб, ҳар йили колхоз ва совхоз далаларини суғориш учун 40-50 миллион кубометр қўшимча сув беради.

Канал трассасида бошланган социалистик мусобақада Фарғона машина-экскаватор станцияси олдинда бормоқда. Станция коллективи қисқа вақт ичида 290 минг кубометр тупроқ чиқарди. Д. Алиев, К. Кочетков, Р. Раҳимқулов ўртоқлар бошлиқ экскаватор бригадалари пландан ташқари 35-40 минг кубометр тупроқ қазидилар. Бетончилардан Қўчқор Турдиқулов, Усмон Юсупов, Меликўзи Баратов, Шароф Бегижоновлар кунлик нормани бир ярим-икки ҳиссадан адо этмоқдалар.

Май ойининг охирида Картан каналининг биринчи навбати ишга тушади.

ТАХИАТОШ ГРЭСИ ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

ТАХИАТОШ (телефон орқали). Буюк ўзбек олими Абурайхон Берунийнинг далолат беришича, қадимда хоразмликлар ана шу дарёни Вахш деб атар эканлар. Вахш — «сув худоси» демакдир.

Ҳозир ана шу «сув худоси»нинг ёнбошида Тахиатош ГРЭСи қурилишининг биринчи навбати қўлдан чиқяпти.

Буғ қозонлари ёпиш пружинасини саноат синовидан ўтказишга тайёргарлик қизғин бормоқда. К. Кузенбоев бошлиқ суббоқчилар, О. Ўразалиев бошлиқ бетончилар бригадалари нурхона биринчи навбатини тезроқ ишга тушириш йўлида жонбозлик билан ишламоқдалар.

А. АБДУҚОДИРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МЕХАНИЗАТОРЛАРИМИЗ

ТУРСУНОЙ ДАЛАСИДА

Дала гўё тандирдай қизиган бўлса ҳам ҳаёт қайнайди. Ҳамманинг фикри-зикри олинган мажбуриятни таъминлайдиган ҳосил етиштиришга қаратилган. Ахир, бригада бошлиғи Турсуной Охунова Ўзбекистон хотин-қизларининг кечагина бўлиб ўтган иккинчи съезди минбаридан туриб:

— Гектаридан камида 50 центнердан пахта топширамиз,—дедику!

Энг яхши механизаторларга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор деган фахрий унвон берилганлиги, пешқадам кишилар қаторида Турсуной Охунованинг ҳам бордиги бригада аъзоларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Биз ўртоқ Охунович фахрий унвон билан табрикладик. У бригаданинг ишлари тўғрисида сўзлаб берди.

— Энг яхши ишчан қизларимиздан бири, — деб таништирди бугдойранг, зуваласи пишиққина қизни кўрсаткан, — ўзи ёшу, иши жуда пишиқ. Тажрибали пахтакорлардан сира қолишмайди.

Турсуной Дарича Йўлдошева билан ёнма-ён ишлаётган Сожида Турғунбоева, Ҳикоят Мўминова ва Шукринисо Султоновалар-нинг ҳам номини фахр билан тилга олиб:

— Бригадамизнинг шуҳратини оширадиган азаматлар мана шулар — деб қўйди. У гапида давом этди:

— Бу йил ўзим 350 тонна пахта териштан ташқари бригада бўйича гектаридан 50 центнердан ҳосил олинишини таъминлашим керак. Биринчи парваришим аллақачон тамомлаб, иккинчи культивацияни ҳам бошлаб юбордик. Кўчат жойида, гектарида 90 мингг тупдан сира каммас. Бу йил барча майдонга чигитни аниқ сеялкада квадрат-уялаб экилди. Мана хатосиз унниб чиқди. Дала безанаяпти. Сервер Бекиров, Иброҳим Олимов Ўринбосар Жўраев, Султон Шерматов сингари азаматлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан фидокорона меҳнат қилишади. Биз вақтимиз билан сира ҳисоблашмасдан ҳар бир туп ғўзани авайлаб, эъзозлаб ўстирамиз.

Турсуной Охунованинг бригадасида ҳар бир колхозчи механизатор деса бўлади. Султон Шерматов ҳам, Турсуной Охунова ҳам, Сервер Бекиров ҳам, Иброҳим Олимов ҳам тракторни бемалол бошқаради. Механизаторга топшириқ берилади, лекин бугун сен фалончага гектар ердаги ғўзани культивация қиласан, деб қатъий норма белгилаб қўйилмайди. Чунки норма деб сифатни бузиб қўядиган кишилар ҳам бор. Аммо бу деган сўз ғўза парваришини чўзиб юбориш мумкин деган маънони билдирмайди. Тракторчи бир туп бўлса ҳам ғўзанинг заҳа бўлишига йўл қўймаслик учун интилади.

Иккинчи культивация олдидан ҳар гектар майдонга 190 килограммдан селитра, 100 килограммдан фосфор, 100 килограммдан гўнг ва 30 килограммдан гексахлоран аралаштириб солинияпти. Бу, ғўзанинг нормал ва соғлом ўсишини таъминлайди.

Бегубор ғўза барқ уриб ўсмоқда. Бу — Чиноз районидаги Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор Турсуной Охунова бошлиқ бригадага қарашли далалар. Турсуной тағин ҳам астойдилроқ енг шимариб майдонга тушди.

Б. ЭРҚОРОВ.

ССР ИТТИФОҚИ МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДАН

ССР Иттифоқи Мудофа министрлиги армия генерали В. И. Колпакчи, генерал-полковник С. Н. Переверткин, артиллерия генерал-лейтенанти В. И. Гоффе, генерал-майор А. П. Морозов, полковник В. В. Хихловскийларнинг хизмат вазифаларини бажариш вақтида авиация фалокати натижасида ҳалок бўлганликларини қайғу билан хабар қилади ҳамда ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур таъзия билдиради.

ЯХШИ ТАЖРИБА

Избоскан район партия комитети йирик колхоз ва совхозларда партия маорифи кабинети филиаллари ва илғор тажриба мактаблари ташкил этди. 8-совхознинг чўчқачилик фермасида ва «Партия XX съезди» колхозининг сутговар фермасида илғор тажрибани ўрганиш мактаби ташкил қилинди.

Тўрақўрғон районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида ҳам район партия маорифи кабинетининг филиали ташкил этилди. Бундай тадбирлар Андижон областининг бошқа районларида кенг амалга оширилмоқда.

Андижон область партия маорифи уйи шаҳар ва район партия маорифи уйи мудирларининг семинар ва йиғилишларини ўтказиб туради. Йиғилишлардан бирида область партия маорифи уйининг мудири ўртоқ Н. Г. Ульянов партия маорифи уйлари ва кабинетлари ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Шунингдек, йиғилишда Ворошилов район партия маорифи кабинети мудири ўртоқ Бурнашевнинг «Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш» ва Избоскан район партия маорифи кабинетининг мудири ўртоқ Азимовнинг «Пропагандистлар билан ишлаш» ҳақидаги тажрибалари тингланди.

К. ВАЛИЕВ.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Кенг ва ёруғ уй катта аудиторияни эслатади. Девор-ларда «СССР нинг иқтисодий картаси», бир неча диаграмма ва схемалар осиғлиқ турибди. Машғулотга келганлар нотиқнинг сўзини диққат билан тинглар, лекциянинг муҳим ва асосий маъносини сўзи билан илиб олиб, дафтарларига ёзардилар.

Пропагандист қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервлари тўғрисида гапирар экан, мамлакатдаги илғор хўжаликларни мисолга келтиради.

— Белоруссия ССР даги «Рассвет» колхози, — дейди у, — ҳар юз гектар ер ҳисобига 85 центнер гўшт ва 754 центнердан сут, Курск областидаги Калиновка қишлоғининг деҳқонлари эса 160 центнердан гўшт ва 758 центнердан сут етиштирдилар.

Пропагандист бу мисолларни ўз совхозининг иш натижалари билан таққослади.

— Совхозда чорва маҳсулоти етиштириш йилдан-йилга кўпаяётган бўлса ҳам, ҳар юз гектар ер ҳисобига чорва маҳсулоти етиштиришга келганда КПСС Марказий Комитети январь Пленуми белгилаган миқдордан ҳали анча кам. Ваҳоланки, совхозда гўшт ва сут етиштириш юзасидан энг юқори кўрсаткичга эришган 21 чўпон ва 17 сут соғувчи бор. Қолган ҳамма чўпон ва сут соғувчилар ана шу даражага эришсалар, қўшимча 620 центнер гўшт ва 360 центнер сут етиштириш имконияти туғилади.

Пропагандист ўртоқ Шароф Абдувоҳидов қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўғрагида машғулотларни ана шундай мароқли, сермазмун ва совхоз ҳаёти билан боғлаган ҳолда ўтказмоқда. Бунинг учун у мустаҳкам билим ва тажрибага эга. Коммунист Ш. Абдувоҳидов қишлоқ хўжалик институтини битирибди. Ўзи туғилиб ўсган Киров номли совхозга зоотехник бўлиб қайтганида район партия комитети уни шу совхознинг Тельман номли бўлимига пропагандист этиб тайинлаган эди.

У, ишлаб чиқаришда орттираётган бой тажриба ва билимини пропагандистлик маҳорати билан бирга такомиллаштирмоқда. Машғулотларни ишлаб чиқариш практикаси билан, тингловчиларнинг амалий иш натижалари билан яқиндан боғлаб ўтказади. Бу эса тингловчиларнинг ўтиладиган темаларни чуқур билиб олишларига ёрдам бермоқда.

Тингловчиларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш илғорларидир. Улар орасида коммунистлар, оддий ишчилар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари, чўпонлар ва сут соғувчилар бор.

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили бошлангандан бери 11 марта машғулот бўлиб ўтди. Машғулотларнинг сифатли ва ҳаётбилан боғлиқ бўлгани совхоз ишлаб чиқаришига ижобий таъсир кўрсатяпти. Тўғарак тингловчиларидан партиясиз чўпон Наҳал Чинфайзов ва Олти Тўлаев ўртоқлар ҳар юз бош қорамолга совлиқдан мажбуриятдаги 135 ўрнига 140-145 тадан қўзи олишга эришдилар.

Фориш район партия ташкилоти кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш йўлидаги тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда. Ҳозир район бўйича 10 жойда қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини ўрганиш тўгараги ва 35 жойда иқтисодий билимларни ўрганиш бошланғич мактаблари бўлиб, уларда 1100 киши ўқимоқда. Бу кишилар гўшт, сут, ёг ва бошқа маҳсулотларни мўл-кўл етиштириш учун кучайиб кетган мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар.

Ю. ЮНУСОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ОҲАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

АКАДЕМИЯНИНГ КОНЧИЛИК БЎЛИМИ

Яқинда кончилар шаҳрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кончилик бўлими очилди. Бўлим ихтиёрида 70 га яқин илмий ходим ишлаётир. Улар асосан кўмир разрезида ва 9-шахтада ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштириш, энг қулай ва арзонга тушадиган бойитиш усулларини жорий қилиш, гидромеханизация иш процессларини такомиллаштириш устида, шунингдек, шаҳардаги мавжуд каолин лойидан халқ хўжалигида кенгроқ фойдаланиш йўлларини ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар.

ОДДИЙ ИШЧИДАН — КОН МАСТЕРЛИГИГА

Талъат Аҳманов 9-шахтада 15 йилдан бери оддий ишчи —кон қазувчи бўлиб ишлайди. Унинг номи шахта Ҳурмат китобидан жой олган. Яқинда у махсус курсда ўқиб, кон мастери бўлди.

Шунингдек, новалоотбойчилардан Иван Батерский ва Франко Пескорский ўртоқлар ҳам кон мастерлари бўлиб етишдилар. Кейинги икки йилнинг ўзидагина бу ерда оддий кон ишчиларидан 30 га яқин киши раҳбарлик лавозимларига кўтарилди.

ҚУРУВЧИЛАР, МУКОФОТЛАНДИЛАР

КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Оҳангарон ГРЭС қурувчиларининг меҳнат унумдорлиги тобора ошмоқда. Шу йилнинг ўзидагина меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 7 процент ўсди. Шу билан бирга ишчиларнинг иш ҳақи ҳам анча ортди. Шу йилнинг ўтган тўрт ойидагина илғор қурувчиларга 5200 сўм мукофот тўланди.

ЯНГИ МАРШРУТ

Яқинда Тошкент—Оҳангарон—Қўқон автомагистрали бўйлаб биринчи марта пассажир автобуслари қатнай бошлади.

А. КУКИЕВ,
Ф. ПЕТРОВ.

Қўқон шаҳар озиқ-овқат комбинатининг меҳнатсевар коллективи партиянинг навбатдаги съезди шарафига ўтган йилдагидан 700 тонна кўп кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Бу мажбуриятни илгари бажариш учун кондитер цехларн механизациялаштирилмоқда. СУРАТДА: слесарь Ҳанимжон Хусанбоев ирис ўрайдиган янги машинани монтаж қилмоқда.

М. Гарилов фотоси.

ҲАЛИ ҚИЛИНМАГАН ИШ КЎП

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

БУХОРО. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Область партия комитетининг колхоз раислари, совхоз директорлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари асосида олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда область партия комитетининг секретари ўртоқ А. Ризаев доклад қилди.

Докладчи ва нотиқлар область колхоз ва совхозларида етти йилликнинг учинчи йилида пахта ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини конкрет мисоллар асосида айтиб бердилар. Конимех районидаги «Коммунизм» қорақўлчилик совхози, «Конимех» қорақўл насличилик заводи қўзилатиш кампаниясини яхши ўтказди, Свердлов, Шофирком, Ромитан ва Когон районлари давлатга қорақўл терн сотиш планларини ошириб бажардилар.

Пленум таъкидлаб ўтдики, катта резервлар бўлишига қарамай гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш қониқарсиз бораётир. Ғиждувон, Вобкент, Қорақўл, Бухоро районларида сут ва гўшт етиштириш ўтган йилдагидан камайиб кетди.

Мусобақадош Сурхондарё область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси бошлиғи ўртоқ В. Қодиров текширишда аниқланган камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Пленум ташкилий масалани ҳам кўрди. Ўртоқ Н. Матчонов область ижроия комитети раиси қилиб сайланганлиги туфайли обком секретарлиги вазифасидан озод қилинди.

Обком секретари ва бюро аъзоси қилиб ўртоқ К. А. Тошқулов сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Х. Жалилов нутқ сўзлади.

ШАҲАР ОБОДОНЧИЛИГИ УЧУН МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети Ўзбекистон ССР шаҳарларини ободонлаштириш юзасидан республика социалистик мусобақасининг шартларига мувофиқ **қарор қилдилар:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 2000 сўм миқдоридаги биринчи пул мукофоти Самарқанд шаҳар ижроия комитетига берилсин. (Шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жулматов, ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шарипов, область касаба союз Советининг раиси ўртоқ А. Пирмуҳамедова). Қизил байроқ Тошкент шаҳар ижроия комитетидан олиб берилсин. 1000 сўм миқдоридаги иккинчи пул мукофоти Нукус шаҳар ижроия комитетига берилсин. (Шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Худойберганов, шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Кусботиров, область касаба союз Советининг раиси ўртоқ Сапаров).

1961 йил I кварталда Бухоро ободончилик соҳасида яхши ишлаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Иқтисодий-назарий конференция

Урганч шаҳар партия комитети иқтисодий-назарий конференция ўтказди. Конференциянинг биринчи мажлисида шаҳар партия комитетининг секретари И. Т. Сорокин «Жадал техника прогресси — меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти» деган темада доклад қилди.

Конференция, «Мавжуд корхоналарни реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантириш — муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга»; «Меҳнат унумдорлигини оширишда корхоналарни ихтисослаштиришнинг роли» темаларида, шунингдек, ишлаб чиқариш маданиятини оширишга қаратилган масалалар юзасидан ҳам докладлар тингланди.

Э. ЭШЖОНОВ.

Бу йил Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация инженерлари институтини кўпгина студентлар битириб чиқадилар. Сиз кўриб турган бу қувноқ чеҳралар Қўриқ ўлка совхозларига бориб ишлаш хоҳишини билдирдилар.

Н. Глауберзон фотоси.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ҚУНТ БИЛАН ЎРГАНИБ, АМАЛДА ҚЎЛЛАНАЙЛИК!

ПАХТАКОР РАЙОНИДАГИ „КОММУНИЗМ“ КОЛХОЗИ—ТАЖРИБА-НАМУНА ХЎЖАЛИГИ

Колхозимиз базасида тажриба-намуна хўжалиги ташкил қилиниши тўғрисидаги қарорни артелимиз аъзолари зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Бу хабар уларнинг меҳнат активлигини оширди, юборди. Тажриба-намуна хўжалигининг ташкил қилиниши КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва илғор усулларни кенг жорий этишга қарата чиқарган қарорининг амалда бажарилишидир. Биз фан ютуқлари ва илғор тажрибани хўжалигимизда янада кенг қўлланиб, орттирилган тажрибани райондаги барча колхозларга ёйишдек шарафли ишни бажаришимиз билан фахрланамиз.

Колхозимиз учта камқувват хўжаликнинг бирлашуви натижасида вужудга келган. 1958 йилга қадар бу колхозларда пахта ҳосилдорлиги 14-15 центнердан ошмас, бир центнер пахтанинг таннархи эса янги пул билан 25-26 сўмга тўғри келарди.

Чорвачилик, богдорчилик ва узумчилик яхши ривожланмаган эди.

Колхоз йириклашгач қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини интенсив ривожлантириш учун шароит вужудга келди. 1960 йилдаёқ 2045 гектар ернинг ҳар гектаридан 21.1 центнердан пахта олинди. Гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш ҳам кескин даражада кўпайди. Дастлабки бу муваффақиятларга ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш туфайли эришилди.

Албатта, ҳали колхозда фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Бу йил 2075 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдамиз. Ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун кўпи билан 3,8 кишидан кўни сарфлаш ва таннархини 11 сўмга туширишни мўлжаллаяпмиз. Сўйилган вазнда 150 тонна гўшт, 380 тонна сут етиштиришга аҳд қилдик. Бу эса ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига сўйилган вазнда 55 центнер гўшт ва 141 центнер сут демакдир. Давлатга 16.6 тонна пилла сотамиз. Олинган мажбуриятни бажарши колхознинг даромадини 1 миллион 725 минг сўмга етказиш ва ҳар бир киши куни учун тўланадиган ҳақни 2 сўмга кўтариш имконини беради.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ — ЮТУҚЛАР АСОСИ

Пахтачилик колхоз ишлаб чиқаришининг асосий тармоғидир. Бу соҳадан 1960 йилда олинган даромад колхоз умумий даромадининг 84 процентини ташкил қилди. 1961 йилда пахтачиликдан олинадиган даромадни 1 миллион 470 минг сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз.

Комплекс механизациялаш ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш йўли билан ҳосилдорликни ошириш кўп пахта етиштиришдаги асосий резервдир. 1961 йилда чигит экиладиган майдонлар ўтган кузда минерал ва органик ўғит солиниб шудгор қилиб қўйилган эди. 700 гектар ернинг шўри ювилди ва 1100 гектар ерга яхоб берилди. Эрта баҳорда ерларни бороналадик, айрим ерларда эса культиватор ва чизеллардан фойдаланиб, тупроқда тўпланган намни сақлаб қолдик.

Чигит экишни қисқа муддатда тугалладик ва 5 майгача далаларнинг кўпида чигит текис ундириб олиндик.

Биз ўз олдимизга ҳамма майдондаги гўзани 5 июнгача шоналатиш ва 1 июлгача гулга киритиш вазифасини қўйдик.

Колхозимизда гўзани минерал ўғитга органик ўғит аралаштириб озиқлантириш одат бўлиб қолган. Тажрибамиз шуни кўрсатадики, фақат ана шундай қилган тақдирдагина пахта ҳосилини ошириш ва маҳсулот бирлигининг таннархини камайтириш мумкин бўлади.

1961 йилда экин экиладиган майдонларнинг ҳар гектарига 5-7 тонна гўнг суперфосфатга аралаштириб солинган. Колхоз агрономи Бобонор Ашуровнинг ташаббуси билан гўнгни эски девор тупроғи ва суперфосфат билан аралаштириб солинди. Ана шу усулда тайёрланган 150 тонна ўғит ўтган йили кам ҳосил берган 15 гектар ерга солинди. Ҳозир бу ерда ғўза бошқа участкалардагига нисбатан тез ривожланмоқда. Бу тажриба районимиздаги мутахассислар ва колхозчиларнинг эътиборини ўзига тортди.

Экинларни сифатли парваришлашга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Комплекс механизациялашган ҳар бир бригадага тракторлар ва бошқа асбоблар биркитиб қўйилган. Кўндалангига ва узунасига ишлаш культиваторларнинг ҳамма ишчи органлари ўрнатилган ҳолда сифатли ўтказилмоқда. Ғўзанинг биринчи парваришини 25 майгача тугалламоқчимиз.

Механизатор Турдибой Шарипов, Худойқул Саднов ва бошқа кўпгина ўртоқлар тракторларнинг иш унумини оширдилар, улар 20 майга қадар 120-150 гектардан ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилдилар. Яхши ишлаган бу тракторчиларга мукофот берилди.

Қўл меҳнатини камайтириш мақсадида экинларни парваришлашда ротацион юлдузчалар ва культиваторлар кенг қўлланилмоқда. Қатор оралиғи 60 сантиметр бўлса, шундан 45 сантиметри культиватор билан юмшатилади. Шунинг натижасида далалар бегана ўтдан бутунлай тозаланган ва тупроқ юмшоқ ҳолда сақланмоқда. Ғўза қатор ораларини юмшатиш билан бир вақтнинг ўзида ўғит солиш моддий ва меҳнат сарфини камайтириш имконини бермоқда.

Бошқа бир неча хўжаликлар каби бизнинг колхозимиз ҳам сув билан етарли таъминланган эмас. Шунинг учун ҳам ғўзани сугориш тупроқ шароитини ва экинларнинг аҳволини ҳисобга олиб, қатъий табақалаштириб ўтказамиз. Экинларнинг чанқатиб қўйилишига ёки ортиқча сугорилишига йўл қўймаймиз. Ҳар бир бригадада малакали сувчилар ажратилди. Ғўзани кечасию кундузи сугориб, сувдан тўла фойдаланамиз.

Пахтачиликдаги ишларни механизациялаш даражасини юқори кўтариш орқали деҳқончилик маданиятини юксалтиришга эришилади. Биз комплекс механизациялашни жорий этишни звенолар ташкил қилишдан бошладик, айрим звенолардаги ишларни механизациялашдан бутун колхоз бўйича комплекс механизациялашга ўтдик. Шу мақсадда 18 та трактор-далачилик бригадаси тузилди. Технологик карталар ишлаб чиқилди. Бу карталар ҳамма дала ишларини бажариш плани бўлиб хизмат қилмоқда.

Комплекс механизациялашган бригадаларнинг ҳаммасида экин майдонининг 90 процентига чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди. Маманазар Шарипов, Шомурод Жўраев, Омон Гаффоров, Шукур Жўраев бошлиқ бригадаларда ҳамма майдонларга чигит квадрат-уялаб экилди, 517 гектар ерга эса уяларга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан экилди. Ҳамма майдондаги экинларни қатор ораларини кенгроқ юмшатган ҳолда икки томонлама парваришлаш қилиш меҳнат сарфини кескин даражада камайтиришга ва кетмондан бутунлай воз кечиш имконини беради.

Барча майдондаги ҳосилни машинада теришни кўзламоқдамиз. Бунинг учун колхозда 23 та «ХВС-1,2» маркали ва 38 та «СХМ-48М» маркали пахта териш машинаси бор. Машиналарнинг ҳаммаси вақтида теримга тайёр қилиб қўйилади. Экинларни парваришлашда ва техникани пахта йиғим-теримига тайёрлаш устидан колхоз мутахассислари ва Урин Абдирайимов, Матлуба Назарова, Муҳаррам Пардаева, Абдужалил Искандаров каби пахта териш усталари доимий назорат қилиб бормоқдалар. Уларнинг ҳар бири 1960 йил мавсумида 150-250 тоннадан пахта теришган эди. Терилган пахтанинг ҳаммасини қоп-қанорсиз ташиш мўлжаллаб қўйилди.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ГЎШТ

Бир вақтлар колхозимизда хўжаликни комплекс ривожлантиришга етарли эътибор берилмас эди. Чорвачилик, богдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик кам тараққий этган эди. Экинларни алмашлаб экиш қўлланилмасди.

Биз КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўтказилган зовал кенгашлардаги кўрсатмаларини амалга ошира бориб, ем-хашак етиштирадиган махсус бригадани мустаҳкамладик ҳамда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқдик.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш мақсадида озуқа базасини мустаҳкамлаб борамиз. Суғориладиган 534 гектар ерга беда экканмиз, 192 гектарига бедани маккажўхорига аралаштириб экканмиз.

Беданы маккажўхорига аралаштириб экканда Рамазон Шониёзов бригадасининг тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар гектардан 600-700 центнердан силосбоп маккажўхори кўкпоясн ва камида 25 центнердан беда пичани олиш мумкин. Бу эса гектаридан 15 минг озуқа бирлиги олинади демакдир. Рамазон Шониёзов бригадаси бу йил маккажўхори ва беда аралаштириб экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 1000 центнердан кўкпоя ва 30 центнердан беда пичани олишга аҳд қилди. Эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 80 центнердан пичан олмоқчимиз. 12 гектар ерга қанд лавлаги ва 60 гектар ерга дон учун маккажўхори экканмиз.

Маккажўхори ва бошқа экинларни етиштиришни механизациялаш арзон озуқа етиштириш ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтириш имконини беради.

Гўштни кўп етиштириш учун кўрашда чўчқачилик алоҳида роль ўйнамоқда.

Чўчқаларни йирик группаларга ажратиб, йирлтиб боқиш ташкил қилинмоқда. Уруғчи чўчқаларни бир марта болалатиш кенг қўлланиляпти. Гўшт баланси структурасида чўчқа гўшти қариб 54 процентни ва мол гўшти деярли 46 процентни ташкил қилади.

РЕЖАЛАРИМИЗ

Пахта етиштиришни бундан буён ҳам кўпайтириш бизнинг тажриба-намуна хўжалигимиз олдидаги асосий вазифа бўлиб қолади. 1965 йилда пахта етиштириш 1960 йилдагига нисбатан 18 процент ортади. Пахта етиштиришнинг ўсишига қисман янги ерларни ўзлаштириш ва асосан эса ҳосилдорликни ошириш йўли билан эришилади. Энг яхши бригадаларда гектаридан олинадиган ҳосил 30-35 центнерга етади.

Хўжаликда уч далали пахтабеда алмашлаб экиш жорий этилади. Бу схемага мувофиқ уч дала беданоя ва етти дала пахтазор, бир дала сабзавот ёки ем-хашакка ажратилади. Сабзавот ва ем-хашак етиштиришга ажратилган майдонлар бир дала маккажўхорини бедага аралаштириб экиш, икки дала беданоя ва беш дала сабзавот полиз экинлари схемасида фойдаланилади.

Алмашлаб экишни жорий этишда суғориладиган участкалар кенгайтирилади, уларнинг баланспастлиги текисланади ва бу ирригация ва коллектор тармоқларини тўғри жойлаштириш имконини беради. Ер ости шўр сувларини қочириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун «Майкўл» коллекторини кучуриш лозим.

Илғор агротехника усулларини қўлланишга — чигитни кўчма қозиқлар ёрдамида квадрат-уялаб экиш, шунингдек уяларга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан экиш усулларини жорий этишга алоҳида диққат берамиз. Биз минерал ва органик ўғитларни тайёрлашни ва ундан фойдаланишни яхшилаш вазифасини қўймоқдамиз, ғўнгхона қуриш ва маҳаллий ўғит ҳамда чиқиндиларни компостлашни ташкил этишни кўзлаяпмиз.

Минерал ўғитлардан яхшироқ фойдаланиш ва агротехника тадбирларини табақалаб ўтказиш учун 1961 йил давомида агрокимёвий тупроқ картаси тузилади.

Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Шу йилнинг ўзидаёқ 20 гектар ер токзор қилинади. 1965 йилга бориб боғ ва токзорларнинг умумий майдони 60 гектарга етказилади. Токзорлар ер ости сувлари билан машина ёрдамида суғорилади. Боғдорчилик ва узумчиликни механизациялаш даражасини кескин ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса олинадиган маҳсулот таннархини пасайтириш имконини беради.

Чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида қўнғир латвия сигирини эстон ва красно степной зотли сигирлар билан чатиштириш орқали қора моллар зотини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари колхоз 150 бош зотли сигир сотиб олади.

1961-62 йиллар мобайнида сут соғиш, сигирларни суғориш ва бошқа ишлар механизациялаштирилади, молларни боғламай боқишга ўтилади.

Чорвачиликни ем-хашак билан таъминлаш учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилади. Етти йилликнинг охирига бориб ем-хашак етиштиришни 70 минг центнер озуқа бирлиги даражасига кўтаришни планлаштирдик. Бу — сўйилган вазнда 210 тонна гўшт ва 1150 тонна сут етиштириш имконини беради. Ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 75 центнер гўшт ва 410 центнер сут олинадиган бўлади.

1965 йилда пилла етиштириш 18.2 тоннага етади ёки 1960 йилда олинган ҳосилдан 20 процент кўпаяди. Ҳамма ариқларнинг четига тут кўчатлари ўтказамиз. Бу эса тут қаторларидаги дарахтлар сонини 35-40 минг тупга етказиш имконини беради.

Шу билан бирга тутзорлар кенгайтирилиб 66 гектарга етказилади. Тут дарахтларини парвариш қилиш юзасидан махсус звено ташкил қилинди. 1962 йилда ҳароратни ва ҳаво намлигини автоматик равишда нормал сақлаб турувчи жиҳозлари бўлган йирик қуртхона қурилади.

ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА ФАН ЮТУҚЛАРИ— ҲАММАГА

Тажриба-намуна хўжалигида илмий-техника кенгаши тузилди. Бу кенгашга райондаги барча колхозларнинг ишлаб чиқариш илғорлари, раҳбар ходимлар ва тажрибали мутахассислар киритилган. Кенгаш ўзининг биринчи йиғилишида тажриба-намуна хўжалигининг иш плани ва хўжаликни ривожлантириш истиқболини кўриб чиқди. Фан ютуқлари ва илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш кўзда тутилди. Шу мақсадда июль ойида район қишлоқ хўжалик виставкаси ташкил қилинади.

Шунингдек агротехниканинг айрим усулларини ва қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашнинг айрим методларини амалда кўрсатиш лозим топилди. Июль ойида бизнинг 15-илғор бригадамизда ғўзани узайтирилган эгатлар орқали суғоришнинг техникаси кўрсатилади. Ана шу муддатда Ленин номли колхоз далаларида Мавлон Саднов бригадасининг маккажўхорини мўл ҳосил олиш тажрибаси ўрганилади. Июлда Карл Маркс номли колхознинг фермасида илмий-техника кенгаши гўнгхона қуриш ва гўнгни сақлашдаги тажрибани ўрганади.

«Коммунизм» колхозида беда уруғи етиштириш, уруғлик беда-ни ўриб олиш ва тозалаш ўрганилади, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида далаларни машина теримига тайёрлаш ва пахтани машинада териб олишга тўғри ташкил қилиш амалда кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда район колхозларидаги бригада ва фермаларда ҳисоб-китобни яхшилаш мақсадида июнь ва августда икки марта иқтисодий конференция ўтказилади. Бу конференцияларда маҳсулот таннархини камайтириш резервлари, трактор далачилик бригадасида ишларни тўғри ҳисобга олишни ва ҳисобот беришни ташкил қилиш, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўллари ва бошқа масалалар кўрилади. Конференцияда тажриба-намуна хўжалигининг мутахассислари, Қишлоқ хўжалик министрлигининг илмий ходимлари ва илғор колхозчилар актив қатнашадилар.

Тажриба-намуна хўжалигининг мутахассислари зиммасига район колхозларида уруғчилик ва наслчилик ишларига раҳбарлик қилиш юклатилган. Куз-қиш даврида тажриба-намуна хўжалигида бригадирлар, сувчилар, сут соғувчилар, мол боқарлар ва бошқа касбдаги кишилар учун агротехника ўқишини ташкил қилиш, бундай кадрларни тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда тажриба-намуна хўжалиги юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Улар ўртасида иш аниқ тақсимлаб олинган ва календарь иш плани тузилган. Тажриба-намуна хўжалигининг ҳар бир мутахассиси ишончли оқлаш ва умумий ишимизга муносиб улушини қўшиш учун ўз куч ва ғайрати, билимини аямай ишламоқда.

Ш. НАЗАРОВ,
Самарқанд область, Пахтакор районидаги «Коммунизм» тажриба-намуна колхозининг раиси.

Ҳўжабек СЕИТОВ

ТАБРИКЛАЙМАН

(Гагарин жасоратига)

Нақ ушалди асрий армонлар,
Қулоқ солди бизга замонлар.
Совет фанин куч-қудратига
Қойил бўлди жаҳон-жаҳонлар.

Қанот боғлаб учдик фазога,
Довруқ солдик бутун дунёга.
Олқиш ўқир ер юзи-олам
Гагариндек жасур сиймога,

Ер йўлдошин учирган юртим,
Баҳор юртим, боғ-чаман юртим.
Азамат, дов ўғлонинг билан
Қувон юртим, ғурурлан юртим!

Халқ ишига жонини тиккан,
Ер юзини айланиб чиққан —
Омон бўлсин Гагарининг из,
Ўлмасликнинг уруғини экқан.

Қорақалпоқчадан Хайриддин САЛОҲ таржимаси.

ВАЛЕНТИН ТЮПКО ПАХТАЗОРИДА

ЭСКИ ТОШКЕНТ (Тошкент области). Ўрта Осиё машинасинаш станциясида ишлаётган мамлакатнинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко ғўза қатор ораларининг иккинчи парваришига киришди.

Ўтган йиллардагидан фарқ қилиб, Валентин Тюпко бу йилги мавсумда 35 гектар ердаги ғўзани парвариш қилмоқда. Бундан 23 гектарида пахта ва 12 гектарида беда етиштирилмоқда. Тюпко бригадасининг собиқ аъзолари бўлган бошқа механизаторлар ҳам ана шундай принцип асосида ишламоқдалар.

Валентин Афанасьевич экин майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида ўз участкасида 23 метр чуқурликда 4 қудуқ қазиди. Бу қудуқларнинг сувларидан экинларни суғориш учун фойдаланилади.

Етти йилликнинг учинчи йилида Тюпко ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта етиштиришга, ҳар бир единица учун қилинадиган меҳнатни ўтган йилда сарфланган 15 киши-соат ўрнига 10 киши-соатгача камайтиришга аҳд қилди.

(ЎзТАГ).

Колхоз стипендиатлари

Бирлик Қалмахонов ўнинчи синфни битиргандан кейин колхозда чўпонлик қила бошлади. У чорва моллар туғғинни кўпайтиришда самарали меҳнат қилди. Шунинг учун ҳам Бирлик колхоз правленнесининг бир неча мукофотларини олишга сазовор бўлди. Қалмахонов ишда малака ҳосил қилгач, ўнишин давом эттирш орзусида юрар эди. У ўзининг шу ниятини колхоз правленнесига маълум қилди.

Бухоро область, Томди районидаги «Жанг шарва» колхозининг правление йиғилишида Бирлик Қалмахоновни Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга юбориш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Правленне Бирлик Қалмахоновга ойига 40 сўмдан стипендия тайинлади. Ҳозир Бирлик — Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг аълочи студентларидан бири.

Институтда колхоз стипендиясини олиб ўқиётганлар сони тобора кўпаймоқда.

Яна бир неча ҳафтадан кейин олий ўқув юртларига қабул бошланади. Шубҳа йўқки республикамиздаги колхоз, совхоз, завод, фабрика ва бошқа корхоналарнинг раҳбарлари бу йил ҳам ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган ёшларни ўқишга юборишда яқиндан ёрдам берадилар.

Ҳ. ЯРИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг штатсиз мухбири.

СИФАТ БРИГАДАСИ

ХЎЖАОБОД. Булоқбоши қишлоқ Советидаги Сталин номли колхоз правленнеси тажрибали кекса колхозчилардан 12 кишини жамоат инспектори қилиб тасдиқлади. Улар орасида Рўзиқул Икромов, Абдуназар Маҳмудов, Тўйчи Расулов, Исоқ Ҳожиев ва Кенжабой Бойҳожиев каби пахта усталари бор. Колхоз ветерани Жўраполвон Ғойибов инспекторлар группасига бошчилик қилади.

Колхоз жамоат инспекторлари бригадаларда дала ишларининг сифатини муntазам равишда текшириб борадилар, йўл қўйилган камчиликларни тузатишда ёрдам берадилар. Бажарилган иш инспектор рухсатисиз қабул қилинмайди.

Колхоз пахтакорлари етти йилликнинг учинчи йилида 1540 гектар пахта майдонидан давлатга 5033 тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Колхозчилар ҳурмат билан «оқ олтин» инспекторлар ишлай бошлагандан буён ҳамма бригадаларда дала ишлари юқори сифат билан бажарилмоқда.

Т. ҚУДРАТОВ,
А. РЎЗИҚУЛОВ.

ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

САМАРҚАНД. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Фориш район меҳнаткашлари гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни кўпайтиришга катта аҳамият бермоқдалар. Чорвадорлар паррандачиликни ривожлантириш учун қулай бўлган яйловлар, қўллар ва булоқлардан кенг фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар.

«Коммунизм» наслчилик совхозига бундан уч йил илгари Кавказдаги паррандачилик хўжалигидан курка жўжалари келтирилган эди. Улар маҳаллий шароитга кўникиб, ҳар йили кўпайиб бормоқда. Бу йил совхозда наслдор курклар боқиладиган алоҳида фермалар ташкил қилинди, она куркалар сони 5 мингтага етказилади. Паррандачиликни ривожлантираётган совхоз коллективи йил бошидан бери давлатга 400 центнер курка гўшти сотди. Ҳар бир курка ўрта ҳисобда 8 килограммдан ошириб топширилмоқда.

Киров номли ва «Фориш» совхозларининг коллективлари кўл ва чашмаларда гоз ҳамда ўрдакларни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Район чорвадорлари бу йил давлатга 1 миллион 230 минг дона тухум ва 1000 центнер парранда гўшти етказиб берадилар.

Ғаллаорол районидаги «Бахмал» ва 1-«Ғаллаорол» ҳамда Зомин районидаги «Ударник» совхозларида уч мингтадан наслдор курка товуқлар боқиладиган фермалар ташкил этиш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда. Бу хўжаликлар наслли жўжалар олиш учун сараланган тухумларни инкубацияларга топширдилар. «Коммунизм» совхози саралаб тайёрлаган 225 минг дона курка тухумини инкубация станциясига топширди.

МАШҲУР БАЛИҚЧИНИНГ МЕҲНАТ СОВҒАСИ

Қорақалпоғистон АССР, Мўйноқ районидаги «Октябрь15 йиллиги» колхозининг аъзоси, машҳур балиқчи **Омон Азирова шу йил 10 майда балиқ тутиш йиллик планини бажарди.** Ўртоқ Азирова салкам минг центнер балиқ топширди, ҳозир у 1962 йил ҳисобига ишлаяпти. Фидокор балиқчи аёлнинг бу ёрқин ғалабаси унинг республика хотин-қизлар II съездига муносиб туҳфасидир.

С. СИЕЕВ.

РЕПОРТАЖ

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР БЎЙЛАБ...

— Отасига раҳмат, қайси томонидан қараманг, бир хил кўринади-я. Квадрат деганича бор экан-да.

— Бўлмасам-чи, квадрат— ишнинг осони, жонининг роҳати.

— Ана у «универсал» тиккасига юрса, наригиси кўндалангига юряпти. Шунча жойни кетмон билан чопиқ қилишга неча кун керак бўларди, ўҳ-ҳў...

Дала шийпонидаги икки қариянинг ўзаро суҳбати эътиборимизни тортди.

Кўз олдимизда бригаданинг далалари ястаниб ётибди. Қуёш тиккада. Бир меёрда сув таралган нариги майдонда ёш ниҳоллар ер бетини қоплай деб қолган. Анаву 13 гектарлик пайкалда культивация ўтказилмоқда.

Новчадан келган, қорамағиз, тўлачақ, соқол ва мўйлабларига битта-иккита оқ оралаб қолган киши— бригадир Тоштемир Қирғизов «Универсал» ишлаётган жойдан биз томон келар экан, ўрта шохда учрашдик. У кенг баравж ғўзага меҳр билан разм солар экан, деди:

— Бу йил ҳақиқатан ҳам деҳқончилик йили бўладиганга ўхшайди. Ғўзанинг авжи яхши. Мана, чигитни ҳам хатосиз ундириб олдик. Ўтгаларгача экдик, бир қаричи ҳам бўш қолмади.

— Бригадангизнинг ери қанча?

— 110 гектар. Чигитни имкон борича 60х60 сантиметр схемасида экдик. Ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштирамиз. Лекин колхозчиларимизнинг фикри—36 центнер. Ҳув узунасига культивация қилаётган универсалчи Ражаббой Қирғизов звено бошлиги. Ажойиб йигит. Гектарига 40 центнер бўлмаса сира кўнглимиз тўлмайди, дейди. Қаранг, биринчи парваришни ҳам тугатди. Эртадан иккинчисини бошлайди. Кўндалангига культивация қилаётган Қирғизбой Норматов унинг мусобақадоши бўлади. Ишни бошлаяпти. Ғўзага биринчи озуқани бериб бўлдик.

— Сувчиларнинг иши қалай?— сўрадик.

— Рўзибой Мамажонов, Сатимбой Муродов, Турсун ака Саломов ғўзанинг тилига тушунадиган сувчилар. Турсун ака жудаям уста, ғўза билан сўзлашади. Сув камчилроқ бўлган бизнинг район шароитида сувдан тежаб-тергаб фойдаланмаса бўлмайди. У бир ҳўплам сувни ҳам бекорга оқизмайди.

Кенг пайкаллардаги яшил квадратлар қуёшга юз тутган. Бригада даласидан қайтар эканмиз, қуёш гарбга ёнбошлаган эди. Гуруллаб ишлаётган «универсал»нинг овози кенг дала қўйнига сингиб борарди...

* * *

Янгиқўрғон районидаги Сталин номли колхозининг аъзомат пахтакорлари бу йил Ватанга 5560 тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхозининг Умаржон Қирғизов, Жўра Ҳакимбоев, Олимжон Қуронов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида иш ниҳоятда қизғин бормоқда. Айниқса, Тоштемир Қирғизов бошлиқ бригадада дала ишлари намунали ташкил этилган.

А. ҒОЗИЕВ.

ПАРТИЯ XXII съезди очилгунга қадар давлатга чўчқа гўшти сотиш юзасидан олинган мажбуриятни бажарамиз!—Денов районидаги «Хазорбоғ» совхози чорвадорларининг аҳди шундай. Улар ўз сўзларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Бу хўжаликда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки ҳисса кўп чўчқа боласи олинди. Бунда чўчқа болаларининг ҳаммасини соғлом сақлаб қолган Н. Макееванинг хизмати катта. Донгдор чўчқабоқар Л. С. Мазуренко ажойиб ғалабаларга эришмоқда. Унинг номи КПСС Марказий Комитети январь Пленуми минбарида тилга олинган эди. 1960 йилда Мазуренко 960 чўчқани бўрдоқига боқди, бу йил эса 1300 бош чўчқани боқмоқчи. Йил бошидан буён у умумий оғирлиги 600 центнер бўлган 500 дан ортиқ чўчқани семиртириб давлатга топширди. СУРАТДА: Н. Макеева ва Л. С. Мазуренко совхоз чўчқачилик фермасида.

А. Ким фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўза шоналади

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Умринисо Ҳайитова Поп районидаги Ленин номли колхозда трактор-далачилик бригадасига бошчилик қилади. Республика хотин-қизлар съездининг делегати ўртоқ Ҳайитова бошлиқ бу бригада ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Ҳамма майдонларда ғўзанинг иккинчи комплекс парвариши тугалланди. 20 гектар ердаги ғўза шонага кирди.

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

⊙ ҚУРҒОНТЕПА районидаги «Совой» совхозининг 5-бўлими пахтакорлари ғўзани ўқариқсиз суғориш усулини қўллана бошладилар. Янги усулнинг афзаллиги шундаки, меҳнат унуми ортади, шу билан бирга ҲАР ГЕКТАР МАЙДОНДА ўқариқ ўрнига чиқиб кетадиган 0,02 ГЕКТАР ЕР ИСРОФ БЎЛИШДАН САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ.

⊙ САМАРҚАНД областидаги 1-«Булунғур» совхозида сигирларнинг кўп сут соғиб олинмоқда. М. Крафт, А. Алчик ўртоқлар ҲАР СИГИРДАН КУНИГА 10-12 ЛИТРДАН СУТ СОҒИБ ОЛМОҚДАЛАР.

Т. ОРТИҚОВ.

⊙ ЧУСТ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗДА БЕДА УРИМИ БОШ-ЛАНДИ. Бу ерда 430 гектар майдонда беда серавж бўлиб ўсди. Ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзолари ҳар куни 16-18 гектар ердаги бедани ўрмоқдалар.

Ж. КАМОЛОВ.

⊙ ГУРЛАН РАЙОНИДАГИ СТАЛИН НОМЛИ ВА «МОСКВА» КОЛХОЗЛАРИДА ШОЛИ ЭКИШ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА. «Москва» колхозининг шоликорлари кунига 25-30 гектар ерга уруғ сепмоқдалар.

К. БАЯРОВ.

⊙ ЖАЛАҚУДУҚ районидаги Энгельс номли колхоз чўпонлари баҳорги жун қирқишни тамомладилар. ЖУН ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАҲОР-ГИ ЖУН ҚИРҚИШ ҲИСОБИГАЁҚ 85 ПРОЦЕНТ БАЖАРИЛДИ. Чўпонлар йиллик планни 15 сентябрга қадар 150 процент қилиб бажаришга аҳд қилдилар.

Ж. РАҲИМОВ.

⊙ ВЕТЕРИНАРИЯ ВРАЧИ УРТОҚ У. МУСИНА ЧИНОБОД РАЙОНИДАГИ ЗООВЕТЕРИНАРИЯ УЧАСТКАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАМОҚДА. Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тинмай курашаётганлиги туфайли «Коммунизм», Ленин номли колхозларда чорва молларининг касалланиши ва нобуд бўлиши камайди. Ҳайвонларни сунъий усулда урчитиш кенг қўлланилмоқда.

И. АБДУЛЛАЕВ.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС МИНБАРИ

ГЎШТ КЎП, ТУЁҚ БУТ

Янги тузилган чорвадорлар совети составига чўпонлар, бузоқбоқарлар, сут согувчилар, зоотехник ва ветеринария врачлари, қурилиш ва ем-хашак бригадасидан 11 киши кирди. Улар бир ҳафта мобайнида қўйчилик, қорамолчилик, сут-товар фермалари, бўрдоқи пункти, қурилиш ва ем-хашак бригадасида бўлиб, чорва моллар парваришда ва маҳсулот етиштириш планларининг бажарилиши билан танишдилар, ички резервлар ва ундан фойдаланиш йўллари ҳақида тажрибакорлар билан суҳбатлашдилар, ҳисоб-китоб ишларининг қўйилиши, маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилаётгани тўғрисида ҳисобчилар, экономистлар билан фикр алмашдилар.

Ниҳоят, совет қуйидаги қарорга келди: хўжаликда чорва моллар туёғи ва паррандалар сони плангдагидан камайтирилмагани ҳолда 1961 йилда 354 тонна гўшт, 379 тонна сут, 670 центнер жун, 324 минг дона тухум етиштириш мумкин. Шунда давлатга чорва маҳсулотлари сотиш планлари тўла ва ошириб бажарилади, ички эҳтиёж тўла қондирилади.

Советнинг биринчи йиғилишида гўшт етиштиришни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Совет йиғилишида ҳозир бўлган кишилар бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни очиб ташладилар, ишни яхшилаш юзасидан амалий таклифлар киритдилар.

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Мирищкор чорвадор Норбой Шеров қорамол гўшти етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилашга ёрдам берадиган ички резервлар ҳақида гапирди. У бундай деди:

— Гўшт етиштириш икки усулда — **қорамолни яйловда эркин ўтлатиш ва оғилда боқиш йўли билан кўпайтирилади. Аммо кейинги вақтларда биринчи усул камрок қўлланиляпти. Эҳтимол, бу усул яйлови кам хўжаликлар учун мос эмасдир. Лекин, кенг ва серўт яйловга эга бўлган бизнинг колхозимиз учун жуда қўл келади.** Фақат қорамолчилик фермасининг ходимлари мол боқишни ташкил қилишда ишнинг кўзини билеалар, баъзи қийинчиликлардан кўрқмасалар маҳсулот кўпаяверади, даромад ошаверади.

Қорамол яйловда боқилганда махсус бино қурилмайди, ем-хашак бир жойдан иккинчи жойга ташилмайди, ишчи кучи кам сарфланади. Бу эса гўшт таннархини арзонлаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, ҳозир ана шундай имкониятдан етарли фойдаланолмаяпмиз.

Чорвадорлар орасида «ҳўкизнинг туёғи шохини мустаҳкамлайди», деган мақол бор. Мол яйловда қанча эркин кезса, унинг организми шунча мустаҳкамланади. Натижада гўштдор бўлади, бир кеча-кундузда 600-800 грамм ва ундан ҳам кўпроқ семиради. Шундай экан, нега молларни яйловда боқмаймиз?

Ўртоқ Шеров қўшни «Ш Интернационал» колхозининг молларни яйловда бўрдоқига боқишдаги тажрибасини сўзлаб берди.

— Қўшни колхоз чорвадорлари, — деди у, — яйловда боқишга мўлжалланган молларни ёши, жинси, семиз-ориқлигига қараб группаларга ажратадилар. Шунда моллар бир вақтда ўтлаб, бир вақтда дам олади, сув ичади, бирбирига халақит бермай баравар семиради. Аралаш боқилганда эса семириш муддати ҳар хил бўлиб қолади. Катта моллар билан бузоқлар ёки новвосларни бирга боқиб бўлмайди. Колхозчилар буни тўла ҳисобга олганлар. Бундан ташқари, улар бузоқ туғилиши билан уни икки мақсадни кўзлаб — сут ва гўшт учун боқадилар. Гўштга мўлжалланган новвослардан алоҳида пода ташкил қилинади. Бу бузоқлар яйловда боқилади. Шу йўл билан кўп, арзон ва юқори сифатли гўшт етиштириляпти.

Тажрибакор чорвадор брак қилинган қорамолларни сўқимга боқишга жиддий эътибор беришни, махсус дафтар очиб, молларнинг семиришини ҳар 15 кунда ёзиб боришни таклиф қилди. Совет шундай қарорга келди: **ҳар йили камида 350-400 бош қорамол яйловда боқиб семиртирилади, ҳар бир молнинг тирик вазни 280-300 килограммга етгандагина гўштга топширилади. Ориқ молларни гўштга топшириш ман қилинади. Сўқимга боқиш ҳисобига гўшт етиштириш кўпайтирилиб, туёқ сони планда кўзда тутилганидан анча зиёд сақлаб қолинади.**

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти совет аъзоларининг ҳақли эътирозларини қабул қилди ва яйловда хизмат қилаётган чорвадорларга маданий-маиший шароитни яхшилаш тадбирларини белгилади.

БИР ТЕРИГА УЧ ҚУЙ СИҒАДИ

Халқ қўйини етти хазинанинг бири деб атайди. Бу — бежиз эмас, албатта. Қўйчиликни ривожлантириш, қўй гўшти, ёғ, жун, қоракўл тери етиштиришни кўпайтириш йўли билан миллионерга айланган хўжаликлар жуда кўп. «Коммунизм» колхози шундай пешқадам хўжаликлардан биридир. Бу колхоз ҳар йили фақат қўйчиликдан бир ярим миллион сўмдан кўпроқ даромад олади.

— Даромадимиз бундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин, — деди бош чўпон Дўлоб Очилов. — Аммо баъзи камчиликларга йўл қўйялмиз. Колхознинг 23 минг бошдан зиёд қўйи бор. Шундан бир неча минги ҳар йили гўштга топшириб турилади. Унинг ўрни янги туғилган қўзилар ҳисобига тўлдириб борилади. Лекин битта кўнгил тўлмайдиган жойи бор. Баъзан ориқ ва ўртача семизликдаги қўйлар гўштга топшириб юборилади. Уларнинг тирик вазни 30 килограмм атрофида бўлади. Эндиликда бундай аҳволга қатъий чек қўйишимиз керак. Бунда тартиб ўрнатиш керак: **тирик вазни 55 килограммдан кам бўлган қўйни гўштга топширишни ман қилиб, бунга ўзбошимчалик билан йўл қўйган кишиларга колхоз Уставига мувофиқ чора кўрсак, қўйларнинг тирик вазнини оширсак, ҳар йили 3000-3200 бош қўйни тежаб қоламиз ва уларни бўрдоқига боқиб, гўшт ва ёғ етиштиришни янада кўпайтиришга муваффақ бўламиз.**

— Гўшт етиштиришни кўпайтиришда яна бир резерв бор, — деди сўзида давом этиб у.— Гўштга топшириладиган қўйларни тўғри ва ўз вақтида танлашимиз керак. Баъзан наслдор совлиқлар ва бир икки яшар қўйлар ҳам гўштга топшириб юборилади. Бу — тўғри эмас. Наслдор совлиқлардан камида 5-6 йил қўзи олмагунча гўштга топширишга йўл қўймаслик керак.

Айрим хўжаликларда совлиқларни сунъий қочириш йўли билан уларни ҳар биридан йилига 2-3 тадан қўзи олиш, айримларини икки йилда уч марта қўзилатиш усули қўлланиляпти ва яхши натижаларга эришиляпти. Биз ҳам шу усулларни кенг қўлланишимиз керак.

Дўлоб аканинг фикри совет аъзоларига маъқул тушди. Совет бундай қарор қабул қилди: **бир терига уч қўй сиғади деган фикр жуда тўғри, ҳар бош қўйни ҳозирги икки-уч бош қўйга тенг келадиган даражага етказиб гўштга топшириш қонда қилиб қўйилади. Брак қилинмаган совлиқни сўйиш таъқиқланади.**

БИР ЧУЧҚА ИККИ ҚУЙГА ТЕНГ

«Коммунизм» колхозининг аъзолари чўчқачилик сердаромад тармоқ эканлигини ўз тажрибасида синаб кўрдилар. Шунинг учун ҳам совет йиғилишида колхоз раиси Яхшибой Омонов «Колхоз 1961 йилда гўшт етиштириш йиллик планининг камида 35 процентини чўчқа гўшти ҳисобига бажаради, етти йиллик охирига бориб, чўчқа гўшти 50 процентга етказилади», деди.

Хўш, бунинг учун замин борми? Ҳа! Ҳозир чўчқачилик фермасида 310 наслдор чўчқа боқиляпти. **Асосий она чўчқалардан бир йилда икки-уч марта бола олиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бош чўчқа 95-100 килограмм атрофида семиртирилиб, сўнгра гўшт учун сотилади. Шундай қилсак, бир чўчқа икки бош қўйга тенг бўлади.**

Советда бўлган маслаҳатдан шу нарса маълум бўлдики, колхоз правленнеси чўчқачилигина катта эътибор бера бошлаган, махсус чўчқахона қурилиб, унинг атрофида озуқа базаси яратилган. Чўчқалар яйловда эркин ҳолда боқилади. Хашаки лавлаги, сабзи ва бошқа илдиз мевали экинлардан мўл ҳосил олиняпти. Чўчқалар колхознинг ўзида етиштирилган озуқа билан боқилади. Шунинг учун ҳам гўшт арзон етиштирилмоқда.

* * *

Бешкент районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари чорва моллар туёғини пландагидан камайтирмаганлари ҳолда маҳсулотни тобора кўп етиштиришни ўзларининг муқаддас бурчи деб биладилар. Шу мақсадда улар ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Колхоз давлатга 350 центнерга яқин гўшт, қарийб 230 тонна сут топширди.

М. НАЗАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ТЕЛЕМЕХАНИЗМЛАР ҒЎЗА СУҒОРМОҚДА

ЯНГИЕР (ЎзТАГ). Мирзачўлдаги «Фарҳод» тажриба-намуна совхозида ирригация шохобчаси ишга туширилди. Бу шохобча қарийб тўрт минг гектар пахта майдонини суғоради. Бутун система автомат ва телемеханизмлар ёрдами билан ишлайди. Бу система ўзининг оригиналлиги жиҳатидан Совет Иттифоқида уникал системадир.

Бу система «Узгипроводхоз» институти насос станциялари бўлимининг бошлиғи Т. И. Мамишев фикри бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, ана шу институт мутахассисларидан бир группаси томонидан лойиҳалаштирилгандир.

Ўн уч насос станцияси Сирдарё сувини каналга кўтариб беради. Бу ердан сув кучли босим таъсири остида асбоцемент қувурлар бўйича оқади. Бу қувурлар ер остидан ўтказилган бўлиб, икки юз метр оралиқ билан бир-бирига параллель тарзда жойлаштирилган. Қувурлардан ер сиртига гидрантлар чиққан бўлиб, бу гидрантлар сувни эгилувчан шлангаларга бериб туради. Бу шлангалар бир жойдан иккинчи жойга бемалол кўчирилади ва эгатларни суғоради.

Суғориш шохобчаларига сув чиқариш бир диспетчерлик пунктидан амалга оширилади. Бу пунктда автоматлар ва телемеханизмлар бошқарилиб туради.

Янги суғориш системаси қўриқ ерларни ботқоқлашиб ва шўр босиб қолишдан сақлайди.

ТОМОРҚАДА ТУТЗОР

ШЕРОБОД. (Сурхондарё области). Ленин номли қишлоқ хўжалик артелида колхозчи Бибиш Худойбердиеванинг томорқа участкаси қўшниларининг томорқа участкасидан кескин фарқ қилади. Гектарнинг юздан саккиз қисмига тўғри келган бу томорқа ерида агротехниканинг барча қоидаларига амал қилинган ҳолда тутзор барпо этилди. Аввалги йили Бибиш ўз томорқа участкасига олти минг беш юз туп тут дарахти кўчати ўтқазган эди. Ў бу йил дастлабки ўн икки центнер барг йиғиштириб олди.

Бибиш бундай деди:

— Колхоз менинг онламни барча зарур нарсалар билан таъминлаётир. Бизга ана шундай катта томорқа участкасининг энди кераги ҳам йўқ. Мен ипак қурти учун озуқа масаласининг нақадар қийин эканлигини биламан. Тут баргини баъзан неча ўн километрлаб масофада жойлашган тоғлик районлардан ташиб келтирадилар. Шунинг учун ҳам мен томорқа участкамда серҳосил тутзор барпо этишга қарор қилдим. Мен бу соҳадаги ўзимнинг кичик муваффақиятимни жонажон коммунистик партиямнинг бўлажак съездига бағишлайман.

Район партия ташкилоти Бибиш Худойбердиеванинг ташаббусини маъқуллади. Ўртоқ Худойбердиеванинг ташаббуси Ўрта Осиё районларида пилланчиликни янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган янги ҳаракатни бошлаб бермоқда. (ЎзТАГ).

Янги корхонанинг дастлабки маҳсулоти

ҚЎҚОН. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Янгидан қурила бошлаган сликат буюмлари заводи йирик қурилишлар учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Корхонада оҳак ҳам тайёрланади. Бу ердан Фарғона водийсидаги қурилишларга кўплаб оҳак юборилади.

Заводда биринчи оҳак пиширилди. Печи ишга туширилди. Дастлабки тонна оҳакни мастер А. Саржисов пиширди. Бу оҳак заводнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилди. Май ойи ичида яна иккита печь ишга солинади.

Қурувчиларнинг янги отряди

Оҳангарон шаҳридаги «Узбекшахтстрой» трести ҳузурида қурувчилар тайёрлаш 3 ойлик курси ташкил қилинган эди. Бу курсни яқинда 500 дан кўпроқ янги касб эгалари — арматурачи, бетончи, гишт терувчи тамомлаб чиқди. Ёш бинокорлар зарбдор қурилиш — Оҳангарон цемент заводини барпо қилишда қатнашиш учун жўнаб кетдилар.

Малакали ишчилар тайёрловчи бу курсга яна 120 киши қабул қилинди.

А. КУКИЕВ.

Ёш пиллачилар

Фотима мактабга қуёш ҳали олтин кокилларини тарамасидан етиб келди. У етти йилдан бери таълим олиб келаётган синфхонасига эмас, тўғри спорт залига қараб юрди. Залга қадам қўйиши биланоқ ипак қуртларининг ҳиди «гуп» этиб димоғига урилди. Бирзум сўкчакларга разм солди. Дасталардаги гужғужсимон оппоқ пиллалар, ҳали ўз қобиғига тўла бурканиб улгурмаган, энгичина пилла ўрай бошлаган ипак қуртлари кўзни қамаштирарди. Фотима ҳар куни одати бўйича полга тушган қуртларни битта-битта йиғиб олди, айрим жойларга кечаги дасталардан қўйди, сўнгра ҳароратни текширди.

— Ҳозирча биттасини очсанг бўлади, ҳали кун исиганда қолганларини очамиз, — деди Фотима форточкани очаётганда кириб келган дугонаси Мунира Обидовага.

— Нега энди? Қара, уйнинг ҳавоси пастроқ, ҳарорат юқорилаб кетибди.

Фотима форточкани очди, Хонага соф ҳаво кирди...

Пиллачиликнинг «тилини» биниб, қуртларни моҳирлик билан парваришлаётган бу ёш пиллачилар Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 65- мактабнинг 7-синф ўқувчиларидир. Мактабда машғулотлар меҳнат таълими билан боғлаб олиб борилаяпти.

5, 6, 7-синфларда биология ва зоологиядан ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун биология ўқитувчиси Леонид Константинович Стемпковский ташаббуси билан мактабда бир қути пилла қути бор. Қуртларнинг парваришга яхши бўлганини дасталардаги бўлиқ пиллалар кўрсатиб турибди. Қуртни парвариш қилишда Х. Нажиева, Х. Махсумов, Ф. Зарипова, М. Обидова, З. Қодирова сингари ўқувчилар яхши меҳнат қилмоқдалар.

Ёш пиллачиларнинг аҳди баланд. Улар бир қути қуртдан 70 килограммдан ошириб пилла олишни кўзлаб турибдилар.

Ю. ЗИЕДОВ.

ПИЛЛА ХИРМОНИ

ҚУВА районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари Ҳожинисо Нурматова, Ўринбу Абдуллаева ва Кенжахон Умарова ҳар қути ипак қуртидан давлат омборига 90-100 килограммдан пилла топширдилар.

С. ҲУСАИНОВ.

* * *

ҒИЖДУВОН районидаги «Москва» колхозининг илғор пиллачилари топшириқни икки ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Рўзибиби Содиқова, Бодом Алматова ва бошқа ўртоқлар ҳар қутидан 84 килограмм ўрнига 120-125 килограммдан пилла топширдилар.

А. АСЛОНОВ.

* * *

БЕКОБОД районининг пиллачилари ҳосилни териб, давлатга топшира бошладилар. Дзержинский номли колхоз аъзоси Ойша Мадраҳимова, Ленин номли колхоздан Хайринисо Ашурова, Адолат Ўринбоева, 1- «Далварзин» совхозидан Аҳаджон Раҳматов ҳар қути ипак қурт уруғидан 80-90 килограммдан пилла етиштирдилар.

Ж. ШАРОПОВ.

* * *

РОЗИЯ Алиқулова бу йил 2 қути ипак қуртини боқяпти. У қуртни ўтган йилдагидан 3 кун олдин дастага киритди. Гулистон районидаги Крупская номли колхоз пиллачиси ўртоқ Алиқулова ҳар қутидан 115 килограммдан пилла олиш учун курашмоқда.

Х. САФАРОВ.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ХАЛҚИНИНГ КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИГА ЗЎР ЭҲТИРОМИ

* * *

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧЕХОСЛОВАКИЯДА

ПРАГА, 18 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси бугун Жанубий Чехия областининг бош шаҳри Ческе-Будейовице шаҳрига жўнаб кетди. КПСС делегацияси билан биргаликда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Антонин Новотний ҳам жўнаб кетди.

ЧЕСКЕ-БУДЕЙОВИЦЕ, 19 май. ТАСС мухбири М. Никиточкин хабар қилди: Ўртоқ Брежнев бошлиқ КПСС делегацияси ўртоқ А. Новотний билан биргаликда кеча Пржешовицедаги кооперативни кўздан кечирди. Бошқа қишлоқлардаги кооперативларнинг аъзолари ҳам бу ерга келдилар. Брежнев ва Новотний ўртоқлар ҳамда уларнинг ҳамроҳлари хўжалик билан танишадилар, ишда эришган муваффақиятлари учун деҳқонларни мақтайдилар.

1960 йилда кооператив мўл ҳосил—ҳар гектаридан 32 центнердан бугдой, 29 центнердан арпа йиғиштириб олди.

Сўнгра кооператив клубида КПСС делегацияси аъзоларининг деҳқонлар билан самимий суҳбати бўлди. Ҳар иккала мамлакатда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йўллари ва усулларини муҳокама қилиш ана шу эркин ва амалий суҳбатнинг асосий темаси бўлди.

А. Здихнинцова бошлиқ паррандачилар бригадаси КПСС делегациясининг келиши шарафига социалистик мехнат коллективи деган номни олишга эришиш мажбуриятини олди.

А. Новотний деҳқонлар олдида нутқ сўзлаб, яқин йилларда Чехословакия Социалистик Республикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин суратда юксалтириш зарурлигини кўрсатди, илгор хўжаликлар, мехнат илғорлари намунасининг таъсир кучини таъкидлаб ўтди.

Л. И. Брежнев колхозчилардан ва бутун совет халқидан деҳқонларга қардошлик саломи топширди. У. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг СССР да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди, СССР қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришнинг тарихий процесси ҳақида, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг жуда катта аҳамияти тўғрисида гапириб берди. Л. И. Брежнев КПСС делегацияси номидан кооператив аъзоларига совғалар топширди.

Кеча кечқурун КПСС делегацияси Замон-Глубокага (Ческе-Будейовице яқинида) келди.

Узбекистон телевизион студиясида рус тилида ёзилган текстларни ўзбек тилига, ўзбекча текстларни рус тилига таржима қиладиган янги аппарат ўрнатилди. СУРАТДА: студия инженерлари А. Г. Вишнивецкий ва П. П. Полтапанди (чапда) янги аппаратни созлаётир.

Й. Алиев фотоси.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ

ВАРШАВА, 19 май. (ТАСС). Кеча сейм Польша Халқ Республикаси ҳукуматини қуйидаги составда тасдиқлади:

Ю. Циранкевич — Министрлар Советининг раиси, С. Игнар, П. Ярошевич, З. Новак, Э. Шир, Ю. Токарский — Министрлар Советининг раисининг ўринбосарлари; министрлар: С. Ендриховский — план комиссиясининг раиси, М. Олевинский — қурилиш саноати ва бинокорлик материаллари саноати министри, Е. Альбрехт — молия министри, Я. Митренга — кон ва энергетика саноати министри, М. Леш — ички савдо министри, В. Тромпчинский—ташқи савдо министри, Ю. Попеляс — йўллар министри, Т. Галинский — маданият ва санъат министри, Р. Гессинг — ўрмон хўжалиги ва ёғочсозлик саноати министри, З. Москва — алоқа министри, М. Спихальский — миллий мудофаа министри, В. Тулодзецкий — маориф министри, А. Радлинский — кимё саноати министри, Ф. Ваниолка — оғир саноат министри, Э. Ставинский — енгил саноат министри, Ф. Писуля—озиқ-овқат саноати ва маҳсулот тайёрлаш министри, М. Ягельский — қишлоқ хўжалик министри, В. Виха — ички ишлар министри, А. Рапацкий — ташқи ишлар министри, М. Рибицкий — юстиция министри, Г. Голянский — олий таълим министри, Е. Штахельский — соғлиқни сақлаш ва соцнал таъминот министри, С. Дарский — кемалар қатнови министри, С. Срока — коммунал хўжалиги министри, С. Петрусевич — қурилиш, шаҳар қурилиш ва архитектура комитетининг раиси, А. Бурский — ишга жойлаштириш ва иш ҳақи комитетининг раиси, Д. Смоленский — техника масалалари комитетининг раиси.

ФРАНЦИЯДА ЯНА КАТТА ЗАБАСТОВКА

ПАРИЖ, 18 май. (ТАСС). Бугун Франция мехнаткашларининг навбатдаги жуда катта забастовкаси бошланди. Ярим миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчи мехнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан кучли забастовкалар ўтказиш ҳақида ўз касаба союз ташкилотларининг чақиригини маъқуллаб, ишга чиқмади.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Словакия Компартияси Марказий Комитетининг органи «Правда» газетасининг бош редактори, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси О. Клокоч Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

О. Клокоч Тошкент билан танишиб, Чилонзор массивида бўлди ва у ерда уй-жой қурилишининг бориши билан қизиқди. У тўқимачилик комбинатида ҳам бўлди ва корхона ишчилари билан учрашув вақтида ҳаларга қардош Чехословакия мехнаткашларининг социализм қурилишида эришган ютуқлари тўғрисида гапириб берди.

19 майда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида О. Клокоч Тошкент партия ва совет активи олдида «Чехословакия Компартиясининг 40 йиллиги — социализм ва коммунизм учун қирқ йиллик кураш» деган темада лекция ўқиди.

Чехословакиялик меҳмон Ўзбекистон бўйлаб сафар қилади. (ЎзТАГ).

ШАХМАТ

Холмов олдинда

АШХОБОД, 19 май. (Қизил Ўзбекистон»инг штатсиз махсус мухбиридан телеграф орқали). Жиддий спорт кураши вазиятида ўтаётган халқаро шахмат мусобақасининг учинчи турида гроссмейстер Холмов тожикистонлик Жалоловга қарши усталик билан ўйнаб, аввал бир пиёдасини, сўнгра эса ўйинни ютди. Сеёев Норму-ҳамедовга (иккаласи ҳам Туркманистондан). Устинов (Қирғизистон) Голяк (Қозоғистон)га ютқазди. Муҳиддинов — Ханов (Туркманистон) ўйини дуранг бўлди. Аарон (Ҳиндистон) Кудрявцева қарши ўйнаб ўйинни ўзига қулай вазиятда кечиктирди.

Шундай қилиб, халқаро гроссмейстер Холмов уч ярим очко. Қозоғистон вакили Голяк икки ярим очко ва кечиктирган ўйинда ютиш имкониятидан 2 очко тўплаб олдинда бормоқдалар.

М. МУҲИДДИНОВ, СССР спорт мастери.

ФУТБОЛ

ҲИСОБ 2:1

Ўйин тамом бўлишига 8 минут қолганда ҳаноатдаги ҳужумчи Юрий Беляков тўп билан тўғри дарвоза томон интилди ҳамда меҳмонларнинг иккита ҳимоячисини алдаб ўтиб, тўпни бурчакка қараб тепди. Дарвозабон Макаров кечикиб, ҳисоб «Пахтакор» фойдасига 2:1 бўлган эди.

«Пахтакор»нинг капитани И. Таэтдинов командани олга олиб чиққан Беляковни қучоқлаб ўпди. Бунинг сабаби бор эди. Киевлик динамочиларнинг штраф майдончасида, ўйин қоидаси бузилиб, тўп 11 метрлик белгига қўйилди. Стадионни тўлдириб ўтирган ишқибозлар бир дақиқа жим қолишди. Таэтдинов тўпни тепди, аммо тўп дарвозанинг ёнидан ўтиб кетди, жуда катта имконият қўлдан бой берилди.

Хўш, ўйин қандай ўтди? Тўп ҳаракатга келтирилиши билан меҳмонлар шундай зўр ҳужум қилдиларки, майдон эгалари бир неча минут ўзларини ўнглаб ололмадилар. Бундан фойдаланган меҳмонларнинг марказий ҳужумчиси Каневский қариб 30 метр масофадан тепган тўп дарвозага кириб, ҳисоб 1:0 бўлди.

Энди пахтакорчилар ўзларини ўнглаб олган, ҳужумга актив ўтиш эдилар. Меҳмонларнинг дарвозаси олдида бир неча ўйинчи тўпланди. Морозов тўпни бурчакдан штраф майдончасига оширди. Бу тўпни Станик бош билан дарвозага йўналтирди, дарвозага кетаётган тўпни Таэтдинов тўғрилаб, ҳисобни 1:1 қилди.

Мамлакатнинг энг кучли командаси «Динамо» (Киев) устидан қозоғистонлик ғалаба (2:1) тасодифий бўлмади. Бу ғалаба пахтакорчиларнинг ҳамжиҳатлик ва юксак шиддат билан ўйнаши натижасида қўлга киритилди.

В. МАҲКАМОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Тажриба ўрганиш учун Ўзбекистонга

Ўзбекистон олимларининг тажрибалари бизни жуда қизиқтирмоқда. Бу тажрибалар билан танишув бизга катта фойда беради.

Вьетнам Демократик Республикаси Фан давлат комитети раисининг ўринбосари Буй Конг Чинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида бўлган суҳбатни шу сўзлар билан бошлади.

Буй Конг Чинг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Вьетнам Демократик Республикаси Фан давлат комитети делегациясига бошчилик қилмоқда. Делегация составида турли илмий-тадқиқот институтлари ва ўқув юртлари ходимларидан 26 киши бор. Делегация Вьетнам ва совет олимлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида музокаралар олиб бориш учун СССР Фанлар академиясининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келди.

Делегация аъзолари 19 майда группаларга бўлиниб, Тошкентдаги илмий-тадқиқот институтларининг ишлари билан атрофлича таниша бошладилар.

* * *

«Британия-СССР» уюшмасининг коллектив аъзоси — ўкитувчилар тайёрлайдиган инглиз коллеж делегацияси Тошкентга келди. Делегациянинг Ўзбекистонга келишдан мақсади — республикада педагогика ишлари тажрибасини ўрганишдир. (ЎзТАГ).

ЁШ ЛЕНИНЧИЛАР БАЙРАМИ

19 майда Ўзбекистон пойтахтининг кўчаларида гоҳ садолари янграб эшитилди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг 39 йиллигига бағишланган тантаналарнинг бошланиши ёркин ва қувноқли бўлди.

Эрталаб пионер дружиналарида тантанали линейкалар ўтказилди. Сўнгра шаҳардаги пионерлар саройларида ва парклардa карнавал сайиллари, юбилей слётлари бўлди. Революция ветеранлари, Ўзбекистоннинг биринчи пионерлари, коммунистик мехнат бригадалар и н и н г аъзолари болаларни байрам билан қутладилар. (ЎзТАГ).

ССРда биринчи гастроль

Ҳиндистон рақс труппаси Ўзбекистон пойтахтига келди. Ҳиндистон Республикасидан келган мехмонлар «Кумар Самбхав» драма-балетини кўрсатадилар. Бу драма балети Калидаса асари бўйича Катхак классик рақс услубида яратилгандир.

Шу вақтгача Ўзбекистонга ҳинд артистлари келиб, концерт қўйиб берар эдилар. Рақс труппаси бу мамлакатдан Совет Иттифоқига келган биринчи театр коллективидир.

Ҳинд артистлари Тошкентдаги гастроллардан кейин Олмаота, Сталинобод, Минск, Львов, Ленинград ва Москвада ўз маҳоратини кўрсатадилар. (ЎзТАГ).

Юрий Гагарин Финляндияга таклиф қилинди

ХЕЛЬСИНКИ, 18 май. (ТАСС). «Финляндия-Совет Иттифоқи жамияти» Финляндия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик байрамида қатнашмоқ учун жаҳонда биринчи космонавт майор Юрий Гагаринни Финляндияга келишга таклиф қилди. Байрам 1-2 июлда Кеми шаҳрида ўтказилади. Финляндия телеграф бюроси бугун шу ҳақда хабар қилди.

Жанубий Кореядаги тўнтаришга доир

ПАРИЖ, 18 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Сеулдаги мухбири хабар беради: Сеулдаги ҳукмрон ҳарбий хунта генерал лейтенант Ли Хан Лимни Жанубий Корея биринчи армияси қўмондонлиги лавозимидан бўшатганлиги бугун бу ерда маълум бўлди. Ли Хан Лимнинг ўз лавозимидан четлаштирилганлигини бу ерда унинг ҳарбий хунтага нисбатан «бетараф» позиция тутганлигига жавобан кўрилган чора, деб ҳисобламоқдалар.

Бугун эрталаб ҳарбий тўнтариш раҳбарлари тағин ҳам қаттиқроқ цензура жорий қилинганлигини эълон қилдилар. Давлат тўнтаришидан кейин жорий қилинган инструкцияларни бузганликлари учун Жанубий Кореяда чиқадиган газеталарнинг уч редактори қамоққа олинган.

СТАЛИНГРАД ҚАҲРАМОНЛАРИ ХОТИРАСИГА

Сталинград!.. Бу шаҳарнинг шон-шуҳрати халқлар дилида сбадий яшайди. Ватан озодлиги ва бахт-саодати учун Сталинград остоналарида қаҳрамонона ҳалок бўлган азаматларнинг номини авлодлар ҳурмат ва ифтихор билан тилга оладилар.

Бу кун Мамаев қўрғони тепасида Сталинград қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштирувчи улкан ҳайкаллар ўрнатилмоқда. Ҳайкалларнинг бадиий комплексини Е. В. Вучетич бошлиқ бир гуруҳ совет ҳайкалтарошлари, архитекторлари ва рассомлари ишлаган. Унинг лойиҳаси совет жамоат ташкилотларида ҳар томлама муҳокама қилинди ва юқори баҳоланди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг Москвадаги штатсиз мухбири Г. Бахшиева СССР халқ рассоми, машҳур совет ҳайкалтароши Е. В. Вучетичдан бу улкан иншоот ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Сталинград жангчилари, — дейди Е. В. Вучетич. — Совет Ватанини қаттиқ туриб ҳимоя қилган Мамаев қўрғони тепалиги монументининг ям-яшил табиий пойдевори бўлади. Собиқ жангчи, Совет Армиясининг офицери сифатида халқимизнинг Улуғ Ватан урушида эришган буюк ғалабаси мени доим янги-янги асарлар яратишга илҳомлантириб келмоқда. Ҳозир бир неча ойдан бўён ана шу Сталинград жангномасининг ўлмас образларини гранитда акс эттириш устида ишламоқдаман. Мамаев қўрғонининг этагидан то тўққизигача совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида эришган ғалабаларининг улуғворлигини тасвирловчи жуда катта архитектура-ҳайкалтарошлик иншооти қурилади.

Ватанпарварлик темаси, она-Ватанга, халққа, тинчлик ишига фидокорона хизмат қилиш темаси — Евгений Викторович Вучетич ижодининг асосий темасидир.

Рассомнинг Берлиндаги «Трептопарк» паркида ўрнатилган фашист қуллиги занжирларини парчалаб ташлаган Европа халқларига озодлик берган совет солдатининг тўла қонли образини гавдалантирувчи ҳайкали ва бошқа кўп асарлари ҳам худди шу темага бағишланган.

Моҳир санъаткор Сталинград жангига бағишланган янги асарининг ҳаётий бўлиши, чуқур ва бой мундарижага, мазмунга эга бўлиши учун олти йил қаҳрамон шаҳар ҳақидаги материалларни, хат ва ҳужжатларни ўрганди: Сталинград жанги қатнашчилари билан суҳбатлашди. Шундан кейин бу катта темани тош тили билан сўзлатишга киришди.

— Тошда акс эттирадиган ҳамма воқеаларимиз бўлган ҳодисалардир, — дейди рассом.

Архитектура ансамблининг бир қисми — «Томчи қонимиз қолгунча курашамиз» деб аталган композицияни кўздан кечирамиз. Бир солдат гранитдан ўсиб чиққан мустаҳкам қолдек қад кўтарган. Солдатнинг юзида ғалабага ишонч, ботирлик барқ уриб турибди. Ўнг қўлида танкга қарши отиладиган граната, чап қўлида автомат. Солдатнинг бутун гавдасида, туришида, қарашида — совет кишисининг ғалабага бўлган тўла ишончи акс этган. Бу ҳолатни рассом юксак пафос билан нафис ифодалайди. Ёш онанинг ўз фарзанди билан сайрга чиққанини тасвирловчи композицияни кўрамиз. Кутилмаганда осмондан пулемёт ўқи ёғилади. Фашист самолёти учиб кетади, онанинг қўлида жонсиз боласининг гавдаси қолади.

— Биз, — дейди Евгений Викторович, — ҳар бир томошабин ўзини 1941 йилда яшаб турган сталинградлик деб ҳис этишига ва уруш яқинлашиб келаётганини шу сталинградликлар кўзи билан кўриб, таассувр қилишига эришишга ҳаракат қиламиз. Иншоотнинг комплекси Сталинград мудофаасидан бошланади. Қўрғоннинг этагидаги ҳайкалларда урушнинг дастлабки ойлари тасвирланса, тепасида Сталинградни қаҳрамонона мудофаа қилиш ғалабага эришиш дамлари тасвирланади.

Маълумки, ҳайкаллар орқали солдатларнинг барча қаҳрамонликларини батафсил ҳикоя қилиш қийин. Лекин шунга қарамай, томошабин қўрғон тепасига кўтарила борган сари сталинградликларнинг қутлуғ қони тўкилган ҳар бир воқеа-ҳодисани ҳайкалдан ишланган композицияларда бирма-бир кўради. Томошабинлар Ватан учун қурбон бўлган мингларча солдатнинг исм-фамилияси ўйиб ёзилган юз метрли девор ёнидан ҳам ўтадилар. Бу деворга азим дарахтларнинг сояси тушиб, бирдай нам бўлиб туради. Девор — ёш девори, деб аталади.

Ёш деворининг рўпарасига қаҳрамонларнинг жасоратини кўрсатувчи олтита ҳайкал композицияси ўрнатилади. Томоша бир ёрдан ўтиб, қўрғоннинг тепасига чиқади. Унинг қаршисида Дон ва Сталинград фронтларининг қўшилишини ва фашист қўшинларининг ўровда қолишини акс эттирувчи барельеф намоён бўлади. Шундан кейин Сталинград жангининг охирги дақиқалари тасвирланган панорамалар биносига кирилади. Сўнг томошабин ғалаба зали билан танишади. Залнинг ўртасида — қаҳрамонларнинг абадий ҳаётийлигининг символи—сўнмас олов ёниб туради.

Ўлкан бу иншоот атрофида каттакон парк барпо этилади.

— Мамаев қўрғонда, — дейди Евгений Викторович, ўз сўзини тамомлаб,—иншоотни қуриш ишлари қизғин бормоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 МАЙДА

12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг,** 12.25 — **Инглиз тилидан 20 дарс** (ўзбек тилида), 13.00 — **Павел Корчагин** номли бадиий фильм (ўзбек тилида), 14.30 — **Совет композиторлари романслари,** 18.00 — **Азиз кишим** номли бадиий фильм, 19.40— **Сиёсий сатира** (иллюстрация), 20.00 — **Пойтахтимиз мехмонлари,** танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/V да **Дилором,** 21/V да эрталаб **Жизель,** кечқурун **Сўна.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/V да **Ҳамза.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 20/V кеч соат 8 да **Ҳинд рақс труппаси. «Кумар Самбхав»нинг хайрлашув концерти.**

21/V кундуз соат 4 яримда студентлар учун «Музика маданияти университети» абонементи бўйича ўзбек тилида лекторий тингловчиларининг заявкасига мувофиқ **якунловчи** концерт.

21/V кеч соат 7 яримда **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти.** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ғулом Абдурахмонов** ва бошқалар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инсон таслим бўлмайди — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Шўх қайрилишлар — «Ватан» (кундуз соат 4 ва кеч 10 да).

Узун девор орқасида — «ВАТАН» (кеч соат 6 ва 8 да), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Йўлнинг охири — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бўтанўз (кеч соат 5 да), **Ленин йўлламаси** билан (кеч соат 8-40 минутда ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Кичик драмалар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Номавжуд одам — «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаёт остонасида — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги залплар — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Мичман Панин — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда).

Инсон таслим бўлмайди — «ВАТАН» (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда). НАВОИЙ номли (кеч 9 ва 10-40 минутда), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8 ярим ва 10-20 минутда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-45 минутда), «ПОБЕДА» (кеч 9 ва 11 да).

Серқуёш водий серенадаси — КАФАНОВ номли кеч соат 8-45 минут ва 10-20 минутда).

Номавжуд одам — «ХЕВА» (кеч соат 8-45 минут ва 11 да).

Алла — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8-45 минутда).

Кескин бурилиш олдида — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8-40 минутда), ПУШКИН номли (кеч 10-45 минутда).

Узун девор орқасида — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10 яримда), ПУШКИН номли (кеч 8-50 минутда), «РАКЕТА» (кеч 9 ва 10-40 минутда).

Музика командаси йигитлари — «УДАРНИК» (кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).

Эҳтиёт бўлинг, буви! — «САЛЮТ» (кеч соат 8-45 ва 10-45 минутда).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

Жимжит

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий ва шеърлар автори— **В. Тёткин.**

Постановкачи режиссёр — **Александр Карпов.**

Оператор — **М. Аранишев.**

Р о л л а р д а:

К. Бойсеитов, Раиса Куркина, А. Карпов, М. Бахтигереев, И. Шалабаева, С. Кожамкулов, А. Нишченкин, Ш. Мусин, К. Утепова, П. Шпрингфельд, Л. Ясиновский, Ю. Сорокин, Костя Ерошкинлар қатнашади.

Фильмни «Қозоқфильм» кинотудияси ишлаган.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

21, 23, 24 майда

Жаҳонда биринчи бўлиб Космосга парвоз қилган **Ю. А. Гагаринга** бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

М. Шайхзода асари

Мирзо Улуғбек

4 пардали трагедия.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Ғиязбург,** рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Х. Иҳромов.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ.
СТАЛИН НОМЛИ ПАРКДА
(ёзги театр)
20 майдан 30 майгача
ЛОҚУТИЙ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
Тожик давлат академик драма театрининг
ГАСТРОЛЛАРИ

20/V да — **Дохунда.**
21/V да — **Рудакий.**
22/V да — **Момақалдироқ.**
23/V да — **Севгандан айрилмасин.**
24/V да — **Имтиҳон.**
25/V да — **Шоҳ Лир.**
26/V да — **Ҳаёт ва иш.**
27/V да — **Қулаш.**
28/V да — **Севгандан айрилмасин.**
30/V да — **Рудакий.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар театр кассасида ҳар куни кундуз соат 2 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

КАР-СОҚОВ БОЛАЛАР УЧУН
1-РЕСПУБЛИКА МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1961/62 ўқув йилига
7 яшар болалардан
ўқувчилар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб ётоқ-овқат ва кийим билан таъминлайди.

Ота-оналар аризаси 15 августгача қабул қилинади. Аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб бериш лозим: кар-соқовнинг даражаси ҳақида мутахассис врачнинг фикри ва боланинг ақлий жиҳатдан ўсиши тўғрисида психиатр врачнинг фикри, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Мактабнинг адреси: Тошкент область, Оржоникидзе посёлкаси.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01595 Нашр. Б. 116.